



ПОСТГА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2003 йил 4 сентябрь, пайшанба • 36 (3512)-сон



УШБУ СОНДА: ЖАВОБГАРЛИК

«Эртага сайлов деган куни Зокирбойнинг юрагини ваҳима босди. "Нотўғри қилдим. Рози бўлмаслигим керак эди. Рақибларимнинг иккови ҳам эл орасида танилган, эътиборли одамлар. Мен эса иш билан бўлиб одамларнинг иссиқ-совуғига аралаша олмадим...»

4

ШАЦКИХ – ЎЗБЕКISTONЛИК ТҮПУРАР

«Хорижда тўп сурётган ўзбекистонлик футболчилар орасида энг омадлиси Максим Шацкихдир. Хамюртимиз Украинанинг номдор жамоаси – "Динамо"нинг асосий ҳужумчиси ҳисобланади. У Украина чемпионати билан бирга Европа чемпионлар лигасида ҳам жуда ишончли тўп сурмоқда...»



12

ЧИНАКАМ БЎСТОН БЎЛАДИ

Қорақалпоғистоннинг жанубий сарҳадларида бунёд этилган Бўстон шаҳри чорак аср давомида гуллаб-яшнади. Бугун бўстонликлар шаҳарнинг хушманзара жойларию дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришар экан, ўз иқболлари, юрт истиқболидан қувонишади.

13

ТРАКТОР ТАЛОНЧИЛАРИ

«Содда тракторчи уловни тўхтатди. "Юк ортувчилар" тракторга яқинлашиши билан Эшмурод Собитни итариб юборди. Ерга йиқилган заҳоти Сирожиддин билан Шавкат унинг оёқ-қўлларини боғлай бошлади...»



15

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ МАКТАБИ

Республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабини ҳақли равишда мардлар мактаби дейишади. Зеро, ўт балосини жиловлашга чоғланган йигитларнинг юрагида ўт бўлади. Бу таълим муассасасида бўлажак офицер мутахассислар пухта назарий билим ва амалий кўникмалар олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Янги ўқув йили олдидан олий мактабнинг ўқув-моддий базаси янада мустаҳкамланди. Айни пайтда курсантлар замонавий техника воситалари ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган хоналарда билим олишяпти.



Суратларда: билим даргоҳидаги ўқув жараёнидан лавҳалар. А. КЕНЖАЕВ ва А. ГИМАЛОВ олган суратлар.

УЧИНЧИ «Постга» gazetasing ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLAR, INTERNET XABARLARI

TV OLAM

Шунингдек, газетамиз саҳифаларида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа ранг-баранг материаллар билан танишасиз.

МУКОФОТ МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ходимларидан бир гуруҳи давлатимизнинг орден ва медаллари билан мукофотланди, фахрий унвонлар берилди. Улар орасида Ички ишлар вазирлигининг қуйидаги ходимлари ҳам бор.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист”

Якубов Александр Санджарович — Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлигининг биринчи ўринбосари

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”

Кистаубаев Сервер Эсеркепович — Тошкент вилояти Янгийўл тумани ички ишлар бўлими ёнги хавфсизлиги бўлимининг экипаж командири

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Палванов Самандар — Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари

II даражали “Шон-шараф” ордени билан

Адильов Мирсамад — Тошкент

вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи

Жабборов Музравжон — Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи

“Дўстлик” ордени билан

Девятов Анвар Қаюмович — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ахборот марказининг бошлиғи

“Жасорат” медаллари билан

Гаиров Баходир Файзуллаевич — Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги бошқармасининг бўлима командири

Гофуров Зиёхиддин Нематжонович — Фарғона вилояти Богдод тумани ички ишлар бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари

Дженгазиев Юсуп Османович — Тошкент шаҳар ички ишлар

Бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Зарипов Рафаил Габделхайевич — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги бошқармасининг отряд командири

Ибрагимов Абдуҷалал Абдуқамалович — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг йўл-патрул хизмати инспектори

Иброхимов Абдуҷаббор Халилович — Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлимининг профилактика бўйича инспектори

Маманов Алишер Маматович — Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

Маматқулов Насриддин Бурхонович — Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати милиционерлари

Матчанов Озод — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ёнги хавфсизлиги бўлимининг командири

Мирзаев Мирағзам Ахатович — Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи

Сайдалиев Исомиддин Мухитдинович — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи

Саламов Ботиржон Абдуразакович — Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлимининг профилактика бўйича катта инспектори

Урдабаев Саит Сайдувалевич — Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Шарипов Сайфулло Убайович — Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати милиционерлари

Шуқуров Абубекир Гайбуллаевич — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси патрул-пост хизмати бригадасининг милиционер ҳайдовчиси

Эрматов Қахрамон Уктамович — Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар Бош бошқармасининг взвод командири

“Шухрат” медаллари билан

Сағираев Абдумажит Халиқович — Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлимининг катта эксперти

Таджибаев Абдурахман Абдурахимович — Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Тангриев Абдулло Товашевич — Ички ишлар вазирлиги Ёнги хавфсизлиги олий техника мактабининг ўқитувчиси

Турсунов Комилхон (марҳум) — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг ўқув маркази бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, Ҳайъати ва шахсий таркиби мукофотланганларнинг меҳнатига берилган юксак баҳо билан табриклайдилар. Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида қилаётган хизматларида янгидан-янги ютуқлар тилайдилар.

Байрам тадбирлари

БОШҚАРМАДА ТАНТАНА

Наманган вилояти ИИБда мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Уни бошқарма бошлиғи, милиция генерал-майори Т. Муллажонов кириш сўзи билан очиб, ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқлар, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида ички ишлар ходимлари амалга ошираётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Қидирувдаги ўта хавфли жиноятчиларни қўлга олишда мардлик ва жасурлик кўрсатган Косонсой тумани ИИБ ҚООБ профилактика инспекторлари, милиция капитани Б. Саломов ва милиция лейтенанти А. Ибрагимовлар улуг айём арафасида Президентимизнинг Фармони билан “Жасорат” медаллари билан тақдирланди.

Вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан ИИБ фахрийлари, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ҳамда хизмат даврида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига пул ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ф. МАМАЖОНОВ,
милиция капитани.

МУНОСИБ ТУҲФА


Навоий вилояти марказидан салкам 300 километр олисда жойлашган Томди тумани ички ишлар бўлими ходимлари Мустақиллик байрамини янги бинода кутиб олишди.

Қутлуг айём арафасида туман ИИБ учун қурилган иншоот фойдаланишга топширилди. Зарур алоқа воситалари ва бежирим мебеллар билан жиҳозланган хизмат хоналари ораста, шинам.

Бинонинг очилиши маросимида вилоят ИИБ, туман ҳокимлиги, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари қатнашдилар.

Тантанали тадбирда иштирок этган туман ҳокими А. Назаров томдилик милиционерларни табриклаб, ҳудудда барқарор вазият ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, осойишталикни сақлашда уларнинг хизмати беқиёс эканлигини мамнуният билан таъкидлади.

Н. РАҲИМОВА,
милиция капитани.



Мустақиллик байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг фуқаролар билан яқиндан мулоқотда бўлиши, шикоят ва аризаларни жойида ҳал қилишига имкон берувчи қабулхона ишга туширилди. Асосан ҳашар йўли билан битказилган қабулхона қурилишида ички ишлар ходимларининг муносиб ҳиссаси бор.

Суратда: қабулхонанинг умумий кўриниши.

О. ЕРМАНОВ олган сурат.

ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

Қизирик тумани ИИБ шахсий таркиби мустақиллигимизнинг 12 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олди.

Байрам арафасида ички ишлар бўлими биноси тўлиқ таъмирланди. Ходимларнинг ишлаши, дам олиши ва ҳордиқ чиқариши учун қулай шарт-шароитлар яратилди. 20 ўринли ётоқхона, туну кун ишлайдиган ошхона фойдаланишга топширилди. Вақтинча ушлаб туриш хонаси таъмирланиб,

қайта жиҳозланди. Маърифат ва маънавият хонаси ходимларнинг билим ҳамда маҳоратини ошириш масканига айлантирилди. Автомобиллари сақлаш ва кинология хизматида доир бино ва жойлар янгиланди.

Тумандаги ўнга яқин милиция таянч пунктлари қайта жиҳозланиб замонавий алоқа воситалари билан таъминланди.

С. ОМОНТУРДИЕВ.

«Диққат, болалар!»

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТЯПТИ

Йўл ҳаракати қоидалари нафақат ҳайдовчилар, балки ҳаракатланишнинг бошқа иштирокчиларига ҳам тааллуқли эканлигини айрим йўловчи ёки пиёдалар унутиб қўймоқдалар. Пиёдалар, айниқса, болалар томонидан қўпол қоидабузарликларга йўл қўйилиши ўз навбатида улар иштирокидаги йўл-

транспорт ҳодисаларининг кескин ошиб кетишига олиб келаяпти.

Фуқаролар ҳаётини сақлаб қолиш, улар билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини самарали ташкил этиш, ҳаракат иштирокчилари ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари самарадорлиги-

ни ошириш мақсадида Тошкент вилоятида 2 сентябрдан 12 сентябрга қадар “Диққат, болалар!” тадбири ўтказилмоқда.

Тадбирда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари серкатнов йўлларда, чорраҳаларда пиёдалар қатнови устидан назоратни ҳамда йўлларда ҳаракатла-

ниш иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини янада кучайтирдилар.

Иш режасига кўра корхона, ташкилот, мактаб ва маҳаллаларда ҳаракатланиш хавфсизлиги, йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаб ва оқибатлари тўғрисида суҳбатлар уюштириляпти.

И. САЙДИКАРИМОВ,
милиция майори.

ҚИЗГИН ҚУТЛАШДИ

Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасида мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги М. Жабборов жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш бўйича мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ҳақида маъруза қилди. Шунингдек, вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги милиция полковниги Муҳаммади Бобоев, уруш ва меҳнат фахрийси Жума Холлиев, вилоят ИИБ ТИБ бошлиғи, милиция подполковниги Абдуманнон Азимов, ЙҲХБ бошлиғи, милиция полковниги Сафар Эшонкулов, вилоят ИИБ котибияти бошлиғи, ички хизмат подполковниги Фароғат Мўминова ва бошқалар сўзга чиқиб, эришилган ютуқлар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларида террорчи жангариларга қарши курашда мардларча ҳалок бўлган милиция сержанти Акбар Эсонов, милиция сафдори Салоҳиддин Бекмуродов ва бошқаларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилди. Хизматда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ ходимларга эса республика Ички ишлар вазирлиги ва вилоят ИИБнинг буйруғига асосан пул мукофотлари, навбатдаги ва навбатдан ташқари махсус унвонлар топширилди. Йиғилиш қатнашчилари байрам арафасида Президентимизнинг Фармони билан кўра II даражали “Шон-шараф” ордени билан тақдирланган вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги М. Жабборов ҳамда “Шухрат” медалига сазовор бўлган вилоят ИИБ ЭКБ катта эксперти, милиция майори А. Сағираевларни юксак мукофот билан муборакбод этдилар.

С. НОРМУРОДОВ,
милиция майори.

Ватанимизга — етук кадрлар

Олов — тилсиз ёв. У бир лаҳзада ҳамма нарсани кулга айлантириши мумкин. Лекин ўт балосига кўксини қалқон қилиб, унинг йўлини тўсиш учун жон фидо эта оладиган, ўт ўчирувчилар деб аталувчи жасур ва матонатли инсонлар бор. Юртимизда шу касб эгаларини етиштириб беришга ихтисослаштирилган ягона илм даргоҳи — Республика Ички ишлар вазирлигининг Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабидир. Бу йил билим даргоҳи ташкил этилганига 10 йил, умуман республикада ёнгин хавфсизлиги хизмати муҳандис кадрлари тайёрлана бошланганига 25 йил тўлади. Ўтган давр ичида бу ерда беш мингга яқин мутахассис етишиб чиқди ва улар республикамизнинг турли жойларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича иш олиб боришарди. Бундан ташқари, ушбу тизимда хизмат қилаётган кўплаб ходимлар ўз малакаларини ошириб қайтидилар.

Мактабимиз илмий салоҳиятига тўхталадиган бўлсак, билимгоҳимизда халқ хўжалиги учун етук мутахассислар тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар етарли. Замон талаби асосида янада мукамаллаштириб бораёмиз. Ҳозирги кунда мактабимиздаги профессор-ўқитувчиларнинг 40 фоизга яқини техника, физика-математика, юридик, педагогика соҳалари бўйича етук мутахассислардир. Сўнгги беш йил мобайнида улар томонидан 600 дан ортиқ илмий-тадқиқот ишлари бажарилди, Испания,

шаҳар, республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этиб, 42 та олтин, 18 та кумуш ва 24 та бронза медалларини қўлга киритдилар. Мактабда 3 нафар халқаро тоифадаги ҳамда 17 нафар спорт устаси бўлиб, шулардан 5 нафари Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидир.

Ватанимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида яна бир хушхабар олди. Жанговар ва хизмат тайёргарлиги кафедраси ўқитувчиси, ички хизмат лейтенанти Абдулла Тангриев Жанубий Кореяда ўтказилган талабаларнинг

зимини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилади.

Ўз юртига фидойи ва юксак малакали кадрлар — мамлакатимиз тараққиётининг кафолатидир. Келажакда Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши ва жаҳонга танилишида уларнинг роли гоёт беқиёс. Мустақиллигининг дастлабки йилларида қадрлар масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Республикада "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул

ЎТ ЮРАКЛИ ЙИГИТЛАР БИЛИМГОҲИ

Франция, Туркия, Россия, Украина каби мамлакатларда 50 дан ортиқ мақолалар чоп этилди.

Таълим-тарбия самарадорлигини оширишда мактабда ўтказилаётган турли тадбирлар, айниқса илмий ва амалий анжуманларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Шу кунгача ёнгин хавфсизлиги мутахассисларини тайёрлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг долзарб масалаларига бағишланган 5 та халқаро илмий-амалий анжуман юқори савияда ташкил этилди. Уларда Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистондан ташриф буюрган олимлар ҳамда ёнгин хавфсизлиги идораларининг раҳбарлари, амалиёт ходимлари, Ўзбекистондаги бир қатор олий ўқув юрларининг олимлари, Ички ишлар ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ва ходимлари иштирок этдилар.

Тингловчиларимизга ҳозирги замон талаблари руҳида таълим беришнинг янги, замонавий усул ва услубларини ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда Ёнгин хавфсизлиги муаммоларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот маркази ҳамда республикамизда ўта муҳим аҳамиятга эга ва тоифаланган объектлари муҳандис-техник ходимларининг малакасини ошириш курслари ташкил этилди.

Мактабда шахсий таркибининг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида спортга катта эътибор қаратилган. 1998-2003 йиллар мобайнида ходим ва тингловчилардан иборат терма жамоа ҳамда спортчилар

Бутунжаҳон универсиада-сида иштирок этиб, дэюдо бўйича оғир вазндаги полвонлар ўртасида олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, универсиада-нинг мутлак чемпиони сифатида яна бир олтин медал олди. Куни кеча эса Президентимиз Фармони-га кўра Абдулла Тангриев "Шухрат" медали билан мукофотланди.

Хорижий давлатларда-ги турдош ўқув юрлари ва хизматлар билан ўрнатил-ган алоқалар ҳақида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим деб ўйлайман. Ай-ниқса, кейинги йилларда таълим-тарбия ва илмий техника соҳасидаги ҳам-корлик кенгайиб борапти. Жумладан, мактабимиз хо-димларидан бир гуруҳи Германиянинг Берлин шаҳ-ридаги ўт ўчириш-кутқа-риш Департаменти ўтказ-ган амалий машқларда иш-тирок этишди. Шунингдек, Англия, Россия ва Қозғи-стон олимлари билан ҳам-корликда илмий изланиш-лар олиб бораёмиз.

Италиянинг ёнгин хавф-сизлиги анжумлари ишлаб-чиқариш бўйича жаҳондаги илғор фирмалардан бири — "Силвани Антиседи спа" компанияси вакилла-ри, кейинроқ эса Германия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларидан иборат делегация макта-бимизда бўлди. Хорижий меҳмонларнинг профес-сор-ўқитувчилар ва илмий ходимларимиз билан муло-қотлари ҳар иккала томон-нинг мақсади муштарак-лиги, учрашувнинг гоёт қизиқарли ва сермазмун ўтишини таъминлади.

Эртага мактабимизда "Ўзбекистон Республикаси-да ҳаётини фаолият хавф-сизлигини таъминлаш ти-

қилингани Президентимиз томонидан мамлакат ил-мий салоҳияти ва ёшлари-мизга давлатимиз кўрсата-ётган катта ғамхўрлик наму-наси эканлигини амалда кўриб турибмиз.

Бугунги кунда респу-бликамизда амалга ошири-лаётган ислохотлар талаб-лари асосида ички ишлар идоралари учун юқори ма-лакали муҳандис-техник ходимлар етказиб бериш, ёшларимизни жаҳон таъ-лим стандартлари мос етук мутахассислар ва баркамол инсонлар бўлиб етиштирилиши таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. За-мон талаби кундан-кунга ўзгариб, мамлакатимизга турли хорижий техноло-гиялар кириб келаётгани, кўплаб фойда келтирувчи йирик корхона ва завод-ларнинг ишга туширилаёт-гани уларни ёнгинлардан асраб қолишни ўрганиш заруратини ҳам туғдиради. Бу иш нафақат шу соҳа му-тахассислари, балки юрти-мизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи эканлигини асло унутмас-лигимиз ҳамда уларни ён-гинларнинг олдини олиш-га ўргатишимиз бугунги куннинг энг долзарб вази-фаларидан биридир.

Илмий-амалий анжуман негизида ана шулар ётади. У кўплаб илмий иш натижа-ларини амалга оширишга ҳамда такомиллаштиришга катта ҳисса қўшади. Ўтган давр давомида биз мамла-кат учун мутахассислар тайёрлашда қандай ишлар қилганимиз ва келгуси ва-зифалар хусусида кенга-шиб оламиз.

Матрасул СОБИРОВ,
Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи, юридик фанлари доктори, полковник.

Ислохотлар амалда

АҲОЛИГА ҚУЛАЙ МАСКАНЛАР

Бухоро вилояти ИИБ ҲООБ бошлиғи, милиция подполковниги Убайдулла Салимов билан милиция таянч пунктлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

— Убайдулла Мукаррамович, вилоятдаги милиция таянч пунктлари ишини ўрганар эканман, чиндан ҳам ислохотларнинг туб мақсади милицияни халққа яқинлаштириш эканлигига амин бўлдим.

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг жиноятчиликка қарши курашда ИИБ профилактика хизмати родини кучайтириш борасидаги Қарори соҳада катта ислохотлар даврини бошлаб берди. Мазкур Қарордан сўнг вилоятимизда профилактика инспекторлари сони икки барабар кўпайтирилди. Тўртта ва ундан ортиқ хоналарга эга бўлган 189 та милиция таянч пунктлари ташкил этилди ва алоқа воситалари ўрнатилди.

Бундан ташқари туман марказларидан узоқ бўлган 18 та МТПда стационар рация ўрнатилди. Ф. Хўжаев, Тўқимачилик, Гиждувон, Ромитан ва Когон туманлари ИИБлари профилактика инспекторларига 5 та "Тико" хизмат автомашинаси берилди. Вазифа аниқ: фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллаларда намунали жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кенг омма, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари билан ҳамкорликда ишлаш, бир сўз билан айтганда, милициянинг халқ билан яқинлигини таъминлаш...

— Милиция таянч пунктлари марказдан чекка жойларда ҳам ташкил этилганининг афзалликлари нималарда кўринади?

— Ҳар бир фуқаро ўзини қийнаётган масала бўйича олисда жойлашган марказга кунлаб овора бўлиб бориб юрмасдан, шундоқ ўзи яшаётган маҳалладаги милиция таянч пунктига мурожаат этганига нима етсин. Иши қанча тез битса, шунча яхши. Бу, биринчидан, Иккинчидан, профилактика инспектори ўзи хизмат қилаётган ҳудуд аҳолисининг тинчлик-осойишталигини ўйламаса, муаммолар ечимида ёрдамлашмаса, бундай

посбонга ҳожат йўқ. Одамлар уни ўзининг яқин таянчи билиб, биргалликда ишлатсин. Шундагина кўзланган ниятга эришиш мумкин.


Бугун ташкил этилган милиция таянч пунктларини ҳар томонлама қулай мажмуа деса бўлади. Чунки бу жойда профилактика ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспекторлари, маҳалла оқсоқоллари, маҳалла посбонлари ва педагог-тарбиячилар мунтазам фаолият кўрсатади.

— Милиция ҳаётини узоқроқ киши ҳам хайрли ўзгаришларни ўз кўзи билан кўрса қувонади, деб ўйлайман. Милиция таянч пунктлари маърифат ва маданият, спорт марказларига айланиб бораётганини гувоҳи бўлаяёмиз....

— Тўғри илғабсиз, милиция таянч пунктлари атрофида истиқомат қилаётган аҳоли, айниқса, вояга етмаган ёшлар бўш вақтларида фойдали машғулотлар — футбол, теннис, волейбол ва баскетбол каби спорт турлари ҳамда кичик бизнес билан шуғулланишлари ижобий самара бермоқда. Болалар ота-она назоратисиз, кўздан йироқда эмас, маҳалланинг энг гавжум, обод жойида, кўпчиликнинг кўз ўнгиди, муҳими, тенгдошлари билан бирга бўлади-лар. Рақамларга таянса, айни пайтда вилоят ҳудудидаги МТПлар атрофида 140 та спорт майдончалари, 81 та кичик бизнес шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида болалар спортини ривожлантириш борасидаги асосий омиллардан биридир.

Яна бир муҳим ҳамкорлик ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Маҳаллаларда ташкил этилган МТПларда корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари, фирмалардан вакиллар жалб этиб, семинар-кенгашлар, меҳнат ярмаркалари уюштирилмоқда. Аҳолига паспорт топшириш маросимининг ҳам шу жойда ўтиши аҳолига маъқул бўлаяпти. Бу борадаги изланишларимиз давом этмоқда.

Ражаббой РАУПОВ.



Суратда: Жондор тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Нарзулла Содиқов (ўртада) ҳамкасблари билан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида суҳбатлашмоқда.

Осойишта маҳалла обод бўлади

ЖАВОБГАРЛИК

Эртага сайлов деган кун Зокирбойнинг юрагини ваҳима босди. "Нотўғри қилдим. Рози бўлмаслигим керак эди. Рақибларимнинг иккови ҳам эл орасида танилган, эътиборли одамлар. Мен эса иш билан бўлиб одамларнинг иссиқ-совуғига аралаша олмадим".

Йўқ, сайлов пайтида унинг бу каби шубҳа ва гумонлари тумандек тарқалиб кетди. Маҳалладошларининг ишончи, иззат-хурмати зўр экан. Кўпчилиги унга овоз беришди. Зокирбой яқин ўртада шу кунгидек ҳаяжонланмаган эди. У кўп овоз

олганидан эмас, балки ҳалиям элда эътибори борлиги, ҳамқишлоқларига керак эканидан қувонаётган эди.

Хуллас, оқсоқол ишга киришди. Кўп ўтмай у хўжалик раисига учрашди.

— Хўш, оқсоқол, нима гап? — деди раис унинг мақсадини олдиндан билгандек.

— Маҳалла идорасида ишлаб бўлмайди, — деди Зокирбой бўш стуллардан бирига ўтирар экан. — Қулаб кетмаса деб кўрқаман. Ўзиям сиз билан мендан катта бўлса керак. Яримгача захлаган.

— Бошқалар шу вақтгача кўрқмай ишлади-ку, — деди раис рўйхуш бермай. — Энди бўлмай қоптими?

Зокирбой кескинроқ гапирди: — Кечирасиз, раис. Мен ўзимни ўйлаётганим йўқ. Маҳалла идораси — элники, кўпники. У обод ва шинам бўлса, хўжаликнинг ҳам, сизнинг ҳам обрўйингиз?

Оқсоқолнинг бу гапидан сўнг раис бироз бўшагандек бўлди.

— Милиция ходими тутган жойини қаттиқ ушлайди, дейишади. Бўпти, идора ёнидаги

хоналарни таъмирлаб, чиройли қилиб олинглар.

Орадан кўп вақт ўтмади. Яна бир муаммо оқсоқолни раисга юзлаштирди. Шунда куз ойлари эди.

— Раис, — деди у. — Экскаватор кўчани расво қилиб ташлади. Ариқнинг қазилгани яхши бўлди. Ўзиям тўлиб қолган эди. Кўчага чиқариб ташланган тупроқ бир томонга ташилмаса эрта-индин оёқ ости лой бўлиб кетади.

— Тозалатамиз, ташитиб оламиз, — деди раис яна хушламайгина.

Кунлар ўтаверди. "Қовунсой" маҳалласининг бинойидек обод кўчаси кун сайин хароб бўлаверди. Ахири бўлмади. Оқсоқол юз-хотирни йиғиштириб "Чағониён" газетаси саҳифасида танқидий мақола чоп эттирди. Шундан сўнггина узунлиги бир чақиримдан ортиқроқ кўча лойдан тозаланиб, асфальт сақлаб қолинди.

Маҳалла оқсоқоли бўлганига бир йилдан ошган истеъфодаги милиция старшинаси Зокирбой Баҳромов ўзини чинакамига маҳалла эгаси деб, зиммасидаги масъулият, жавобгарликни ҳис этаётир.

Ж. КОДИРОВ,
Денов тумани.

Фахрийлар — фахримиз

ЭЛ ЭЪТИРОФИ

Янгиариқлик Авазбой ва урганчлик Ўринбой оталар ёшликда курсдош, дўст эдилар. Боз устига, фарзандлари вояга етгач, қуда бўлишиб, алоқаларни мустаҳкамлашди. Ҳозир нафақада бўлишса-да, набираларни кўриш баҳонасида тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб туришади.

Бугун Ўринбой ота Янгиариқда меҳмон. Кудаси уни туман марказида ташкил этилган байрам кечасига олиб борди. Кўпгина меҳмонлар чорланган экан. Чақчақлашиб ўтириб ҳордиқ чиқаришди. Совға-саломлардан Ўринбой ота ҳам четда қолмади.

— Оқсоқол яхши одам экан, тажрибали, одамхунлиги шундай кўриниб турибди, — деди Ўринбой ота кечадан қайтаётиб.

— Озод Абдуллаев фуқаролар йиғини раиси бўлгач қишлоғимизда ишлар янада жонланиб кетди, — деди Авазбой ота унинг гапини маъқуллаб. — Ёшлигидан биламан, эл иши учун ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам урадиганлардан. Янгиариқ қишлоқ кенгаши раиси бўлиб ишлаган. Ўша пайтларда ҳам хурмат-эътибор қозонган эди. Кейин уни ички ишлар идораларига хизматга олишди.

— Милициядан чиққан денг. Улар катта чиниқиш мактабини ўтаган, тобланган кишилар бўлишади.

— Тўғри айтасиз. Айниқса, ёшлар тарбиясида, кўшничлик алоқаларини мустаҳкамлашда, спиртли ичимлик, гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилишга мойил кишиларни тартибга чақириш ва тавбасига таянтиришда Озоднинг тажрибаси кўл келаяпти. Эл осойишталиги ва тинчлигини сақлаш мақсадида маҳалла фаоллари бошини қовуштириб, эзгу ишларга бошқош бўлмоқда.

Қариялар суҳбатлашиб, Янгиариқ марказига юриб келишар экан, кеч тушганини ҳам сезмай қолишди. Чироқлар ёниб атроф кундузгидек равшан бўлиб кетди.

— Мана шу чироқларни Озод Абдуллаевнинг ташаббуси билан яқинда ўрнатишди, — деди Авазбой ота. — Умуман, Обод маҳалла йили муносабати билан қишлоғимизда кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Гузарлар ташкил қилинапти. Ёшлар учун янги спорт майдончалари бунёд этилмоқда.

— Ўзим ҳам олдин келганимдан буён бу ерда юз берган анча ўзгаришларни ҳис этяпман. Айрим кўчалар, ҳатто Урганчникидан қолишмайди.

— Кўнглимдаги гапни айтдингиз, қуда. Туман ҳокимлиги, маҳалла фуқаролар йиғини ҳам бу ерни ҳақиқий шаҳар даражасига кўтариш, кенгайтириш ва ободонлаштириш тadbирларини кўришяпти. Келажакда Янгиариқ албатта шаҳар мақомини олади. Обод маҳалла йили тadbирлари бунини тезлаштиради, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, қарияларнинг сўзларида Янгиариқ маҳалласининг бугунги фаровон ҳаёти, элнинг бахтиёрлиги равшан ифодаланиб турибди. Бу ишларда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Озод Абдуллаевнинг хизмати катта. У шу юрт фарзанди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида таҳсил олди. Лекин асосий ҳаёт мактабини милиция сафида ўтади. 1984 йилда то 2001 йилгача туман ички ишлар бўлими бошлигининг шахсий таркиб бўйича ўринбосари вазифасида хизмат қилди. Милиция майори унвонига сазовор бўлди. Шахсий таркиб, айниқса, ёшлар тарбиясига катта эътибор берди.

Милиция сафида ўтган ҳар бир йил Озод аканинг ҳаётида чуқур из қолдирди. Хурмат-эътибор қозонди. Шу боис ҳам уни қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига бир овоздан маъқулладилар. Эл эътирофи деб шуни айтишса керак.

О. Абдуллаев нафақат ижтимоий фаолиятда фаол иштирок этяпти, шунингдек оиласида меҳрибон ва талабчан ота. У рафиқаси Зевар опа билан етти фарзандни камол топтирди. Қишлоғи ҳаётини янада фаровонлаштириш истаги Озод Абдуллаевнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

М. АБДУЛЛАЕВ.

Асли бешкентлик Эргаш аканинг болалиги айни алғов-далғов пайтларга тўғри келган. Ёш болакай ота-онаси билан ўзга юртга кўчиб кетди. Ота бевақт оламдан ўтди, ака-ука ёлғиз она қўлида қолишди. Бегона жойда гўдақларни вояга етказиш она учун осон кечмади, албатта...

ХИЗМАТГА САДОҚАТ

Эргаш ака 1958 йили Тожикистон Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кириб, олий маълумотли мутахассис бўлди. У меҳнат фаолиятини Кўрғонтепа тумани ИИБда терговчи вазифасида бошлади. Сўнгра қатор ички ишлар идораларида терговчи, бошлиқ лавозимларида ишлади. 1980 йилдан Қарши шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари вазифасида фаолиятини давом эттирди. Бор ҳаётини тажрибасини ишга солгани туфайли уни вилоят ИИБ ЖТСБга бошлиқ этиб тайинлашди. Ушбу масъулиятли ва-

зифани ҳам сидқидилдан доэтиб, ҳудудда жамоат тартибининг намунали йўлга қўйди.

1992 йилда Эргаш Кенжаев милиция полковниги унвони билан пенсияга чиқди. У шогирдлари истеъфодаги милиция полковниклари Низомиддин Фуломов, Бозор Пардаев, Таллимаржон шаҳар милиция бўлини бошлиғи, милиция подполковниги Холмирза Ҳайитовларнинг номини хурмат билан тилга олди.

— Етти фарзандим, ўттизга яқин неварам бор, — дейди Эргаш ака. — Ўғилларим Юсуф, Одил олий маълумотли муҳан-



дис. Қизларим Ҳаловат, Садоқат, Малоҳат, Насиба, Муқаддаснинг бири ҳамшира, яна бири ҳисобчи, ишчи. Фарзандларимнинг барчаси уйли-жойли, ҳаётдан ўз ўринларини топишган. Бу мен учун катта бахт. Бунда энг аввало рафиқам Хурматбонунинг хизмати катта.

Истеъфодаги милиция полковниги Эргаш Кенжаев каби фидойи инсонларнинг ҳаёт йўли кўпларга ибрат бўлгусидир.

С. АМИНОВА.

ЖАСОРАТГА БОЙ УМР

Ҳаётда кўпинча инсон касбни эмас, аксинча касб инсонни танлар экан. Шунинг учун ҳам шифокорликни орзу қилган кишининг қишлоқ хўжалиги мутахассиси бўлишига ажабланмаслик керак. Когон туманининг Ўзбекистон ширкат хўжалиги Каптархона қишлоғида туғилиб ўсган Болта ака ёшлигида ўт ўчирувчи бўлишни ўйлаб ҳам кўрмаган. Ўрта мактабни тугатгач, ҳайдовчилик курсига кириб ўқиди. Сўнг ҳарбий хизматга жўнаб, 1978 йилда қадрдон қишлоғига қайтди.

Болта ака вақтинча бўлса ҳам бирор иш топиш истагида Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасига қарашли ҳарбийлаштирилган ёнғин ўчириш қисмига келди. Уни ёнғин ўчирувчи қилиб ишга олишди. Билимини ошириш учун Тошкентдаги ўн бир ойлик махсус курсга жўнатишди.

Болта ака бу ерга ишга келиб янглишмаган экан. Чунки мазкур соҳада жисмонан бақувват, сергак, фидойи кишилар меҳнат қиларди. Ёнғин ўчирувчиларнинг бошқалар ҳаёти, мол-мулкни асраб қолиш учун ўз ҳаётларини хавф остига қолдиришларини кўрган ёш йигит ўз ўрни шу ерга эканлигини дилдан ҳис этди. У юқори маънавият ёнғин ўчирувчи бўлишга қатъий аҳд қилди. Бу ниятини командирлари ҳам қўллаб-

қувватладилар. У Россиянинг ўша пайтдаги Свердловск (ҳозирги Екатеринбург) шаҳридаги ёнғин ўчирувчилар ўрта махсус мактабига ўқишга кириб, 1982 йилда уни муваффақиятли яқунлаб қайтди.

Эндигина ўқишни тугатиб, назарий билимларни эгаллаб қайтган ёш мутахассисга ишонч билдириб, вилоят ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимининг штабига бошлиқ ўринбосари этиб тайинлашди. Йиллар бирин-кетин ўтаверар экан. Турли лавозимларда хизмат қилган Болта Шаропов 1995 йили Тошкентдаги ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактабини ҳам имтиёзли диплом билан тугатди.

Ўтган давр мобайнида у ишлаган ҳудудларда қанчалик қанча ёнғинлар содир бўлмади, дейсиз. Болта Шаропов улар-

нинг деярли ҳаммасини бартаграф этишда фаол қатнашди. Ёнғин ўчириш хизматида 10 йиллик фаолияти учун берилган медал, республика Ички ишлар вазирлигининг фахрий ёрлиқлари, ташаккурномалар унинг фидойилик кўрсатиб ишлаганидан далолат беради.

Болта Шароповнинг хотирасидан 1985 йили Бухоро шаҳридаги хонадонлардан бирида юз берган бир воқеа ҳеч кўтарилмайди. Ушанда катта ёнғин ичида қолган 3 ёшли Нодир Кенжаевни ўлим чангалидан кутқариб қолганди. "Соҳибкор" хўжалиги 3-бригадасида яшовчи Турсуновлар хонадонида ёнғин чиққанида ҳам ҳеч иккиланмай ўзини олов ичига урди. Натижада оиланинг 10 ёшли фарзанди Бахтиёр Турсунов омон қолди. Бугун Бахтиёр оилалик, фарзандлари бор.

Ажойиб инсон, беш фарзанднинг отаси, моҳир ёнғин ўчирувчи Болта Шаропов айни пайтда пенсияда. Аммо у ҳамisha касбдошлари, шогирдлари даврасида. Вақти-вақти билан келиб ёшларга касб сирларидан, кўп йиллик тажрибаларидан сабоқ беради.


К. ШОКИРОВ,
ички хизмат катта лейтенанти.

UCHINCHI «Поетга» gazetasi ilovasi

TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

Ноёб истеъдод эгалари



Бу одам аллақачон ҳамма ташвишлардан кечиб, тинч-хотиржам турмуш кечириши, ҳаётнинг барча лаззатларидан баҳраманд бўлиши мумкин эди. Аммо у ўйинни танлади ва ўз ҳалокатига сабабчи бўлди...

Буюк

Найрангбоз

Жинойт оламида устаси фаранг киморбозлар ёлғизликка маҳкум. Улардан камдан-ками доимий рақибга эга. Қарта ўйини пирлари умрларини ҳашаматли меҳмонхоналарда, қовоқхоналарда, дангиллама хонадонларда базму жамшидларда ўтказишади. Уларнинг мақсади – ўйин. Қартадан ҳам кўра руҳий ўйин муҳимроқ. Тўпланганларнинг ҳаммаси профессионаллар. Бир-бирларини яхши билишади. Найранг бош бўлган киморбоз нафақат пулсиз қолиши, ҳатто "касби" билан қайта шугуллана олмайдиган даражада тан жароҳати олиши мумкин. Баъзан ҳаётига чек қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Ўйинда ютқазилса, қарзни тўлаш темир қонун.

Женка Заноза (Евгений Занозин) Сормово шаҳрида, пианиста оиласида туғилди. Отаси 1953 йилда жигар циррозидан вафот этди. Ушанда Женя эндигина 6 ёшга тўлган эди. У вақт ўтиши билан мактабни битиришга улгурмади. Ўн тўрт ёшида ўғрилиқ қилгани учун қамалди. Йигирма ёшида яна қамоққа тушди. Ана шу иккинчи ташрифи чоғида у қартавозликда кўзбойлоқчилик санъатига ошно бўлди. Устози ким эканлиги бизга номаълум. Занозанинг ўзи дўстлари даврасида бу борада ёки сукут сақлаган ёки ҳар гал турли кишиларнинг номи-ни тилга олган. Аммо доимо ўқитувчиси унга омад келтирувчи тумор – тўппонча гильзасига жойлаштирилган кумуш ўқ берганини такрорларди. Киморбозлар ўта иримчи халқ. Евгенийнинг айтишича, улар сеҳру жодудан фойдаланишади. Балки рақибларига хоч ёрдам берар, деб ўйларсиз. Йўқ. Чунки фаришталар ва авлиёлар шайтоний ишларга аралашмай-

ди. Кумуш бошқа гап. У бошқа сеҳру жодулар, илму амалларнинг кучини қирқар экан. Айтишларича, Заноза ўйинда умуман ютқазмаган, бирор марта ҳам найранг бош бўлмаган.

ШҶРО РАХБАРЛАРИ УЧУН ҚИМОРХОНА

Буюк найрангбозга омад етмишинчи йилларнинг ўрталаридан кулиб боқа бошлади. Евгений зонадан қайтгач, Нижний Новгороддаги озиқ-овқат дўконларидан бирига юк ташувчи бўлиб ишга жойлашди. У "ишхонаси"да ойига икки марта – маош ёзилган ведомостга қўл қўйиш учунгина келарди. Бу ўша давр учун одатий ҳол эди. Маоши эса хўжайинларнинг чўнтагига тушарди.

Занозанинг асосий ишхонаси шаҳардаги икки йирик киморхона эди. Киморхоналардан бири ашаддий ленинчининг беваси яшайдиган хонадонда жойлашганди. Бундай жойларга ҳар қандай қаланғи – қасанғиларни қўйишмасди. Бу ердаги ўйинларда жуда катта пул "айланарди". Ўйинчилар таниқли найрангбозлар, яширин корхоналарнинг эгалари, йирик давлат корхоналари раҳбарларидан (айтиш мумкинки, шўро мафиясидан) иборат эди.

Киморхоналар ҳақида милиционерлар ҳам, чекистлар ҳам хабардор бўлишган. Ҳатто Давлат хавфсизлик кўмитаси вилоят бошқармаси бошлиғи бу борада Андрей Поповга ахборот берган. Шаҳардаги шўро мафияси ўзларига шаҳар ташқарисидан дангиллама дала ҳовлилар, қасрлар куриб олишгач бу киморхонага келмай қўйишди,

ўша ёқларда тўпланишни маъқул кўришди. Шу тариқа биринчи киморхона ўз-ўзидан тарқаб кетди. Иккинчисининг тақдирини аянчлироқ кечди. Бу ерга асосан қароқчию йўлтўсарлар, паст табақали найрангбозлар, "дор тагидан қочганлар" тўпланишарди. Кетма-кет бир неча бор ўтказилган тозалаш тадбирлари бу масканнинг тақдирини ҳал қилиб қўйди. Доимий мижозлардан бирови қамалди, бошқаси қочиб кетди. Бизнинг қаҳрамонимиз эса "ишсиз" қолди. Аммо унинг заҳирадаги кўналғаси ҳам бор эди.

лик орттириб келар, ўйнашига "Волга" ёки кооператив уй сотиб олиши учун пул ҳада қилиши ҳеч гап эмасди. Аммо ўзи бойлигини кўз-кўз қилмас, ҳатто шахсий машинаси ҳам йўқ, доимо таксида юрарди. Тузук-куруқ уй-жой ҳам қилмаган, оила ҳам қурмаган, кекса онаси билан икки хонали каталакдек уйда яшарди.

Нижний Новгородда иши юришмай қолгач, истеъдодини қўллаш учун Ялтага жўнаб кетишга қарор қилди. Аввалига бутунлай деб ўйлаганди. Хайрлашув зиёфати уюштирди, кўз ёши тўкди. Ва жўнаб кетди.

Аммо Ялтада уни қамашди. Хойнаҳой, маҳаллий ҳамкасблари рақобатдан чўчиб уни сотишган бўлса керак. Евгений қамоқ муддатини ўтаб Адлерга кетди. У ерда ҳам қамалди. 1992 йили озодликка чиқди. Тақдир

дам олмай, ухламасдан кимор ўйнаган. Ўзига ишонган бойваччалар ўйин тугагач, майхонадан қашшоққа айланиб чиқишди. Заноза бўлса директорнинг хонасига кириб, бир кечаю-кундуз тошдек қотиб ухлади.

Йиллар ўтган сайин Евгенийнинг пулга муносабати ўзгарди. Энди у давлатини писта пўчоғидек совурмас, жазманларига машина, хонадон эмас, камтарона тақинчоқ совға қиларди. Топган пулини ақл билан сарфларди. Ўзига тўрт қаватли дангиллама уй қурди. Иккита хориж машинаси харид қилди. Ортиқча жангармаларини Грециядаги банклардан бирида сақлади. Баъзи маълумотларга қараганда у Афина атрофидаги жаннатмакон жойдан ҳам ҳашаматли уй сотиб олган.

ЎЙИНИНГ ОХИРИ

Энди кимор ўйнашни бас қилса ҳам бўларди. Тўплаган мол-давлати уруғ-аймоғига етарди. Аммо гап фақат пулда эмас, шекилли. У умрининг охиригача ўйинчи бўлиб қолди. Ким билади, бу ҳақда ўзи ёки шайтон билан шартлашганми. Хуллас, ўйнамасдан турулмасди. Кимор унинг ҳаёт тарзига, мазмунига айланганди. Балки кумуш тумори уни қарта ўйини чоғида муҳофаза қилгандир. Аммо бошқа вазиятда бундан ожиз қолди.

Фожа кечаси алламаҳалда юз берди. Соат ўн бир яримларда дарвоза кўнғироғи жиринглади. Евгений бемаҳал келган меҳмонни яхши таниган, шекилли, эшикни очиб, ташқарига чиққан. Сўнг у билан хайрлашиб орқасига ўғирилган. Шу пайт "меҳмон" унга қарата икки марта ўқ узди. Кейин йиқилган Евгенийнинг тепасига келиб, бошини мўлжаллаб ҳар аҳтимолга қарши яна отади.

Занозанинг мурдасини эрта-лаб унинг онасига укол қилгани келган шифокор аёл кўриб қолди. Евгенийнинг онаси – қари, касалланд кампир ҳам терговга ҳеч қандай ёрдам беролмади. У туни билан тўшакка миҳланиб ётган, ҳеч қандай гапдан хабари йўқ эди.

Ўлимидан уч кун олдин буюк найрангбоз ўз коттежида доғистонлик уч киши билан катта пул тикиб, кимор ўйнаган. Доғистонликлар машина савдосида ва яна баъзи бир соҳаларда кўзга кўринган шахслар бўлган. Улар қарта ўйнашганини сўроқ пайтида айтишди, аммо пул тикишганини тан олишмади. Айрим маълумотларга кўра улар 100 минг АҚШ доллари ютқазилган. Бир қарашда бадавлат одамлар учун бу жуда катта пул эмас. Ҳар бирига "бор-йўғи" 30 минг АҚШ доллари-дан зиёдрок тушаркан. Аммо ёлланма қотил хизмати бундан ҳам арзонроқ турса-чи?!

Ўйин ўз оти билан ўйин. У охир бир кун интиҳосига етиши керак. Заноза эса ўйинчи – белгиланган қоидага бўйсунмишга мажбур. Бундай ўйин қоидасини ҳали дунёда бирор ўйинчи буза олгани йўқ.

Хорижий матбуот материаллари асосида тайёрланди.

ЖАНУБГА САЁХАТ

Ҳар йили ёзда-таътиллар мавсуми бошланиши билан Евгений Қора денгиз қирғоқларига йўл оларди. У пайтлар бойваччалар Сейшелга, Канар оролларига боришолмасди. Шунинг учун Крим ва Кавказ оромгоҳлари билан қаноатланишга тўғри келарди. У ерларда эса турли тоифадаги фирибгарлар кутиб туришарди.

Заноза, юқорида айтганимиздек, устаси фаранг киморбоз эди. У июнь бошидан то сентябрь охиригача Сочи ёки Ялтаннинг энг яхши меҳмонхоналаридан бирининг люкс хонасини эгалларди. Аммо нафақат ўз хонасида ўйнар, кези келганда нуфузли киморхоналарга ҳам бориб турарди. Заноза одатда жануб сафаридан афсонавий бой-

билан бошқа ўйнашгиси келмади, шундан сўнг қадрдон шаҳрига қайтиб кетди.

ОМАДИ КЕЛДИ

Евгений ён-атрофида разм солиб, даври келганини англаб етди. Нижний Новгородда киморхоналар ёмғирдан кейинги кўзичоринлардек кўпайиб кетган эди. Илгариги бир чўқиб, ўн қарайдиганлар ўрнига энди босар-тусарини билмай қолган янги бойваччалар келганди. Уларни оддий найрангбоз ҳам лақиллата оларди. Қартавозлар тили билан айтганда, Женяга "қўл келганди". Заноза баъзан суткалаб кимор ўйнардди. Унга шаҳарнинг энг яхши ресторанидан тўғри киморхонага овқат олиб келишарди.

Айтишларича, қовоқхоналардан бирида у икки кечаю-кундуз



ТАҚИР БОШГА БИТИЛГАН ЁЗУВЛАР

ЁКИ МАХФИЙ ХИЗМАТЛАР ТАРИХИДАН

Хукмдорлар қадим замонлардан ўз жосусларидан олган маълумотларга таянишган. Аммо махфий хизматлар тўплаган ахборотлар доимо тўғри чиқармаган.

Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) ҳеч кимга тўлиқ ишонмаган. Буюк саркарданинг бўйи паст бўлган экан. Кейинги замонларда яшаган руҳшунослар паст бўйли, шуҳратпараст одамларнинг шубҳага мойиллигидан келиб чиқиб, Искандарнинг ҳам бу хусусиятини ошириб тасвирлашган. Балки бу тарихий ҳақиқатга мувофиқдир. Аммо жаҳонгир қисқа умри давомида ҳатто энг яқинларига ҳам ишонмаслигига сабаб бўладиган кўп воқеаларни бошидан ўтказган. У армияга доимо суянолмасди. Сабаби, узоқ ўлкаларга юришлар қўшинларнинг тинқасини куритарди, бу аскарларнинг норозилигига сабаб бўларди. Бундан огоҳ бўлган Искандар жангчиларнинг уйларига хат ва совға-саломлар жўнатишини тақиқловчи буйруқни бекор қилди. Айни пайтда у чопарларни тўхтатиб, хат-хабарларни кўздан кечириб турарди.

Искандар жосуслари фош қилган хоинларни шафқатсизларча жазолар: калласини танасидан жудо қилар ёки “жарима легионлари”га юборарди. Душман қўшинлари ичида ҳам унинг ўз “кўз ва қулоқлари” бор эди. Рақиблар армияси ҳаракатини махсус разведка бўлинмалари кузатиб борарди. Тутқич бермас разведкачилар

ёв ҳарбий қисмлари орасида ҳаракат қилишарди. Искандар жосусликка турли тоифадаги одамларни ҳам қабул қилаверарди. Масалан, улар орасида фоҳишалар, сотилган душман ҳарбийлари, савдогарлар, дайдилар, ҳатто ўғрилари учратиш мумкин эди...

Яқинда мутахассис Вольфганг Кригер бошчилигида қадимги тарих бўйича 18 нафар

да етказилган.

Сочи тақир қилиб олинган қулнинг бошига қириб ёзилган маълумот ишончли бўлган, аммо секин етиб борган. Чунки қулни сочи ўсгачгина керакли манзилга жўнатишган. У етиб боргач яна сочини тақир қилиб олиб, битикни ўқишган.

Махфий хатлар тахта парчаларига ҳам ўйиб битилган. Унинг устига мум қоплаб,



тарихчи олимдан иборат илмий жамоа археологик ва ёзма манбаларга асосланиб ўша давр махсус махфий хизмати фаолиятини ўрганишди. Маълум бўлишича, жосуслар ва уларнинг бошлиқлари махфий хабарларни етказиш борасида турли-туман найранглар ўйлаб топишган. Баъзан мўлжалга аниқ отилган ёй ўқи ҳам хатни олиб келган. Узоқ масофаларга хабар занжир тамойили асосида — белгиланган жойларда кутиб турган алоқачилар ёрдами-

бошқа мазмундаги хабарлар ёзилган. Қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг асарларидан маълумки, Спарта давлати ҳукмдори Демаратос форс шохи саройида қувғинда бўлганда (тутқинликда сақланганда) Ватанига ана шундай икки қаватли тахта парчаси юбориб, юртдошларини форсларнинг режаларидан бохабар этади.

Ўта муҳим хабарларни ёзишда шифрлардан фойдаланиш ўша даврларда ҳам бўлган. Спарта ҳукмдорлари махфий

нома битиш учун ёғоч таёқчага чарм тасма ўрашган. Ҳарфларни чарм қатламларига ёзишган. Хатни олган киши уни ўқиши учун шифрни очувчи шу узунлик ва йўғонликдаги таёқчадан фойдаланган. У махфий хат битилган чармни мазкур таёқчага ўраган. Натижада илгари бетартиб жойлашган ҳарфлар жой-жойига тушиб, жумлалар ва гаплар ҳосил бўлган.

Қадимги Римда кўпинча мураккаб шифрлар жадвалидан фойдаланилган. Бунда матн мазмунини тушунарсиз қилиш учун ҳарфлар бошқа ҳарфлар билан алмаштирилган. Душманлар қуршовида қолган Юлий Цезарь Римдаги тарафдорлари билан фақат шифрланган хатлар ёрдамида алоқа қилган. Тарихий маълумотларга қараганда, Цицерон ва император Август ҳам ўз ёзишмаларида шифрлар жадвалидан фойдаланишган. Рим империясида ўта муҳим аҳамиятга молик ҳужжатлар умуман давлат почтаси орқали юборилмаган. Бундай хат-хабарларни одатда махсус легионерлар ёки амалдорлар ташишган.

Кенг тармоқ ёйган разведка тизими Рим империясида асосан муваффақиятли ишлаган. Аммо улар ҳам вақти-вақти билан янглишганлар, қовун туширишган. Карфагенлик лашкарбоши Ганнибал Италияга юриши пайтида кўп бора римлик душманларини авраб қопқонга туширган. Уларнинг разведкачилари Ганнибал қўйган пистирмаларни пайқашмаган.



Тарихчи Полибийнинг гувоҳлик беришича, ҳатто карфагенлик саркарданинг ўзи ҳам парик кийиб, соқол тақиб разведкага борган. Бир гал тунда Ганнибал подадаги ҳўкизларнинг шохларига машъала боғлашни буюрган. Римликлар бундан кўриб Карфаген қўшинлари жойини ўзгартиряпти, деб ўйлаб янглишишган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Искандар Зулқарнайннинг разведкаси пухта ва аниқ ишлаган. Акс ҳолда у ярим дунёни эгаллай олмасди. Аммо ана шундай тажриба мактабини тугатган жосуслар ҳам Иссада 100 минг кишилик форс лашкари юнон-македон қўшинларининг орқа томонида айланиб ўтганини пайқамай қолишган. Буюк лашкарбоши ўз армиясига душман қўшинларига қарши олға юришга фармон бергандагина ёғий лашкари орқа томонларида тургани маълум бўлган. Ҳарбий разведканинг бу хатоси учун ким боши билан жавоб бергани борасида тарих сукут сақлайди. Нима бўлганда ҳам, Искандар бундай қалтис вазиятдан муваффақият билан чиқиб, кам қурбон бериб, Доро қўшинларини тор-мор қилган.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

МУНАЖЖИМЛАР БАШБОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



ҚҲЙ. Ҳафта давомида эрикиш нималигини билмайсиз. Кутилмаган сафарлар, музокаралар туфайли амалий ишлардаги фаоллигингиз ошади. Кундалик иқир-чикирлар кайфиятингизга салбий таъсир кўрсатмайди. Янги танишлар орттиришингиз мумкин. Режалаштирилган ишларни бажаришга жиддий киришасиз.



ҚИСКИЧБАҚА. Бажарётган ишингиз ёки саломатлигингиз билан боғлиқ мураккабликлар юзага келади. Кутилмаганда хизмат сафарига боришингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас. Яқин кишилар маслаҳатига қулоқ тутинг. Жума кун яқинлашганда ҳаётингиз янада осудалашади.



ТАРОЗИ. Жўшқин ўтувчи кунлар сизни анча толиқтиради, аммо ҳаётингизга қувонч ва мазмун киради. Дам олиш кунларигина кўнгилли ҳордиқ чиқаришингиз мумкин. Жума кунгача саломатлигингизнинг бироз ёмонлашиши, ишхонадаги муаммолар ва ота-онангиз билан муносабатлар анча қийинчиликлар келтиради.



ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳафта давомида ишингиз юришмайди. Атрофингизда рўй бераётган воқеаларни доим ҳам назорат қилавермайсиз. Шу боис айрим кутилмаган ҳолатлар юзага келиши мумкин. Саломатлигингиз бироз панд беради. Ҳамкасблар билан муносабатлар ҳам кўнгилдагидек кечмайди. Автотранспорт ҳайдовчилари айниқса чоршанба ва пайшанба кунлари эҳтиёт бўлишлари зарур.



СИГИР. Молиявий масалаларда анча саъй-ҳаракатлар қилишингизга тўғри келади. Жума куннинг иккинчи ярмигача мураккаб вазифаларни четлаб ўтганингиз маъқул. Чоршанба-пайшанба кунлар қарзларингизни қайтаришингиз эҳтимолдан холи эмас. Дам олиш кунлари ажойиб совғалар оласиз.



АРСЛОН. Ушбу ҳафтада юмушлар кўпайиб кетади. Тасодифий ҳодисалар режаларингизга пўтур етказиши мумкин. Молиявий ютуқларга эришиш учун тиним билмай ишлашингизга тўғри келади. Фақат ўйламай қилинган биргина ҳаракат обрўингизга пўтур етказишини унутманг. Дам олиш кунлари кўнгилли ҳордиқ чиқариб, қўшимча даромад ишлаб оласиз.



ЧАЁН. Қизиқишларингизнинг ортини ўз устингиздан назоратни кучайтиришни талаб қилади. Акс ҳолда катта сарф-ҳарajatлар кутилмоқда. Гарткам ўйинларга имкони борица берилманг. Ўз саъй-ҳаракатларингизни аввалдан режалаштиришни маслаҳат берамиз. Яқин кишиларингиз маслаҳатига қулоқ тутганингиз маъқул. Дам олиш кунлари хонадонингизда айрим ўзгаришлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас.



ҚОВҒА. Мазкур ҳафтада алоқалар, ташкилий ишлар аста-секин йўлга қўйилади. Сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлар анча фаол ўтиши кутилмоқда. Дам олиш кунлари яқинларингиз керакли одамлар билан учрашиш ва муҳим маълумотни қўлга киритишингизга кўмаклашадилар.



ЭГИЗАКЛАР. Теварак-атрофингиздаги одамлар билан муносабатлар кескинлашади. Шу боис фойдаси бўлмаган эски алоқалардан воз кечганингиз маъқул. Яқин кишингиз билан келишолмай қолишингиз мумкин. Ишхонада эса низолар чиқиши кутилмоқда. Муомалада эҳтиёт бўлинг. Муҳим ишларни жума кунга қолдиришни маслаҳат берамиз.



БОШОҚ. Мазкур етти кунликда воқеалар сиз ўйлагандан кўра тез ривожланади. Улар кўпроқ оила, мавқеингиз ва шахсий муносабатларга боғлиқ ҳолда кечади. Дам олиш кунлари яқинларингиз билан алоқалар кутилмоқда, бу эса ҳаётингиз яхшиланишига олиб келади.



ЁЙ. Оиладаги мавқеингизни яхшилаш учун курашасиз. Сизни ноҳалол ишларга ундайдилар. Бу ҳеч қандай муваффақият келтирмаслигини унутманг. Янги марраларни эгаллаш учун қатъиятли бўлишингизга тўғри келади. Шанба ва якшанба кунлар кўнгилли дам оласиз.



БАЛИҚ. Ҳафта давомида чала қолган ишларни ниҳоясига етказасиз. Кескин ҳаракатлар қилиш ва ўйламай гапириб юборишдан эҳтиёт бўлинг. Чоршанба ва пайшанба кунлар ўзингизни намоён этиш имконияти бор. Жума кунгача ҳис-туйғуларингизни ошқор қилмаганингиз маъқул. Дам олиш кунлари харидлар учун қулайдир.

ДУШАНБА,

8

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.50 Мусликий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 "Туртинчи ҳокимият".
10.25 "Чилангар Кова". Бадий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрадасимфоник оркестрининг концерти.
12.30 "Курсатувдан-курсатувгача".
"Болалар сайёраси":
12.50 1. "Улғайиш погоналари". 2. "Олтин тоғ". Телевизион ўйин.
13.50 ТВ клип.
14.10 "Яхшилик".
14.50 ННК тақдим этади: "Буюк Ипак йўли". Телесериал премьераси.
15.40 "Обод уйда пок одамлар яшайди".
16.00 "Кўшиқ-ла ҳаёт гўзал".
16.20 "Камила". Телесериал.
"Болалар сайёраси":
16.50 1. "Ен кўшни - жон кўшилар". 1-қисм. 2. "Покахонтас". Мультсериал.
17.55 ТВ маркет.
18.10 "Ўзбектефильм" намоиши: "Жаҳонни забт этган санъат".
18.30 Олтин мерос.
18.45 "Қалб гавҳари".
19.05 "Мулкдор".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Окшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 "Ахборот".
21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. "Кўпчилик қаторида".
21.25 ТВ клип.
21.35 "Ўзбекистон" телеканалида илк маротаба: "Камила". Телесериал.
22.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Трактор"-"Бухоро".
22.55 "Япония: турмуш тарзи". Хужжатли телесериал.
23.15 "Ахборот-дайжест".
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ - II

16.00 Курсатувлар дастури.
16.05 Жаҳон жуғрофияси.
16.55 "Янги авлод" студияси: Уй вазифаси.
17.15 "Мультмоша".
17.30 "Дунё эшиклари очилди бизга". Малайзия.
17.50 Ёшлар овози.
18.10 "Меҳр кўзда". Мактубларга шарҳ.
18.30 ТВ - анонс.
18.35 Тафаккур ёлқинлари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Кишлоқдаги тенгдошим.
20.00 Мусликий лаҳзалар.
20.10 Сув - ҳаёт манбаи.
20.20 ТВ - адвокат.
20.25, 21.10, 22.35 Эълонлар.
20.30 "Гвадалупе". Телесериал.
21.15 "Ўтган кунлар. Энг янги тарих". Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25 - 0.30 Хайрли тун.

ЎзТВ - III

17.10 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. "Ақдан оздирадиган ўйинлар".
17.50 Хориж хабарлари (рус тилида)
18.00, 22.10 "Экспресс" телегазетаси.
18.05 "Спорт ва болалар".
18.30, 20.00, 20.40, 21.50 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.45 "Табриклиймиз-қутлаймиз".
19.05 "Хориж хабарлари".
19.15 ТТВда сериал. "Айрилик азоби".
20.20 "Халқ саломатлиги йўлида".
20.55 "Аво-news".
21.10 ТТВда сериал. "Эдемга қайтиш".
22.15 Кинонигоҳ. "Олибсатар".
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ - IV

БИРИНЧИ КАНАЛ.
6.00 - 7.00.
16.30 Курсатувлар тартиби.
16.35 "Вести".
16.45 "Мультсеанс".
17.00 "Евроныос" янгиликлари.
БИРИНЧИ КАНАЛ.
17.30 "Ҳазил кетидан ҳазил". Ҳажвий курсатув.
– Зарур қулайликларга эга бўлган ушбу спорт мажмуи ходимларнинг жисмонан баркамол, соғлом бўлишларини таъминлашга хизмат қилади, – дейди муассаса бошлиғи, ички хизмат полковниги А. Мардонов. – Давр талабидан келиб чиқиб, бу ерда зарур шарт-шароитлар яратилди. Ажаб эмас, келгусида ходимларимиз орасидан кўзга кўринган спортчилар етишиб чиқса.

Тадбир сўнггида спортнинг футбол ва волейбол турлари бўйича ўртоқлик учрашувлари ўтказилди. Голиб жамоалар эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан рағбатлантирилдилар.

Н. РАҲИМБЕРДИЕВА.

Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига.

БАРАКАЛЛА, «НАВБАҲОР»!

20-тур: “Навбахор” – “Насаф” – 4:0, “Нефтчи” – “Бухоро” – 5:3, “Самарқанд-Д” – “Андижон” – 2:1, “Трактор” – “Кўкон-1912” – 3:1, “Гулистон” – “Цементчи” – 1:1, “Машъал” – “Сурхон” – 2:2, “Металлург” – “Пахтакор” – 0:6, “Қизилқум” – “Дўстлик” – 2:1.



Ушбу турда наманганликлар техник футбол намойиш этиб, тезкор ҳаракатлари ва киритган чиройли голлари билан мухлислари хушнуд этишди. Энг муҳими, Виктор Жалиловнинг шогирдлари иккинчи даврада муваффақиятли тўп суриб, қаршиликларни қувиб ўтишди ҳамда яқингинада турнир жадвалининг учинчи погонасига мустаҳкам ўрнашиб олган “Қизилқум”га яқинлашиб қолишди. “Навбахор” ютуқларининг сири нимада? Менимча, аввало чемпионат танаффусида муайян ўйинчилар алмаштирилгани билан изохлаш мумкин. Гап шундаки, “Пахтакор”дан мураббий Виктор Жалилов билан бирга Павел Бутенко, Виталий Жалилов, Анвар Гафуровлар ҳам кетишди. Украиналик легионерлар Сергей Есин ва Сергей Кунденколар ўрнига ярим ҳимоячилар Владимир Иванов ва Юрий Мелосенко, ҳужумчи Андрей Петровлар майдонга тушдилар. Уларнинг бари Иванов-Франковскининг “Спартак” жамоасида тарбияланишган. Бу эса футболчилар бир-бирларини яхши тушунишларини кўрсатиб турибди. “Дўстлик”дан ўтган Ойбек Усмонхўжаев ҳақида ҳам илиқ

фикрларни айтиш мумкин. Кўриб турибсизки, “Навбахор”га иқтидорли футболчилар жамланган. Маҳоратли мураббий Виктор Жалилов уларни олдинга қўйилган мақсад сари йўналтира олаётгани сабабли муносиб ютуқлар қўлга киритилмоқда.

“Навбахор”нинг Кўкондаги учрашувидан сўнг В. Жалилов эртасига Тошкентга келиб “Пахтакор” ва “Қизилқум” ўртасида бўлиб ўтган ўйинни кузатди. Мураббийнинг бу ҳаракати бежиз эмас. Уч турдан сўнг, аниқроғи, 20 сентябрь кuni наманганликлар “Пахтакор” меҳмони бўлишди. Агар жамоа бу ерда ҳам сингдан муваффақиятли ўтса, “Навбахор” қайта тикланаёпти, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Чемпионат етакчиси ҳақида гап кетганда эса шуни таъкидлаш лозимки, тошкентликларнинг имконияти катта. Аммо галабалардан мағрурланиб кетмаслик керак. Биргина “Қизилқум” билан бўлган учрашувни ёдга олинг. Биринчи бўлимда гол киритган ўйинчилар бироз бўша-шувчанликка йўл қўйдилар. Бунинг учун рақиб томонидан жазоланишларига оз қолди.

Фарғоналиклар “машинаси”да ҳам маълум нуқсонлар борлиги сезилмоқда. “Нефтчи” футболчилари “Бухоро” билан ҳамда ўз майдонларида бўлиб ўтган ўйинларда талайгина гол киритган бўлишса-да, ўз дарвозаларидан ҳам етарли даражада ўтказиб юборишди. Жамоа раҳбарлари ҳимоя чизигини мустаҳкамлашлари керакка ўхшайди.

Турнир жадвалидан ўрин олган жамоалар орасида “Машъал”ни алоҳида таъкидлаш зарур, деб ўйлайман. Зеро, ўйинчилар кейинги уч турда галабага эришиб, иккитасида дуранг ўйнашди.

Я. КОРУКА.

Хорижда тўп сураётган ўзбекистонлик футболчилар орасида энг омадлиси Максим Шацкихдир. Ҳамюртимиз Украинанинг номдор жамоаси – “Динамо”нинг асосий ҳужумчиси ҳисобланади. У Украина чемпионати билан бирга Европа чемпионлар лигасида ҳам жуда ишончли тўп сурмоқда. Айниқса, Европанинг кучли жамоалари дарвозасига киритилган бир-бирдан чиройли голлар кўплаб футбол мухлисларию мутахассислари эътиборини тортган.

Максим Шацких 1978 йилнинг 30 августида туғилган. Бўйбаста ҳужумчиларга жуда мос бўлган Максим (бўйи 186, вазни 79 килограмм) профессионал футболчилик фаолиятини Тошкентнинг “Чилонзор” жамоасида бошлади. Бироқ акаси Олегдан фарқли ўлароқ Максим Ўзбекистон чемпионатида узоқ

муддат тўп сурмади. Тезда Россия жамоаларига ўтиб кетди. Ёш бўлишига қарамай, М.Шацких “Сокол” (Саратов), “Торпедо” (Волжск), “Лада” (Тольятти), “Газовик-Газпром” (Ижевск) ва “Балтика” (Калининград) жамоаларида ўйнашга улгурди.

1999 йилга келиб у Киевнинг “Динамо” жамоаси мураббийлари эътиборига тушди. Чунки ўшанда киевликлар Италиянинг “Милан” жамоасига ўтиб кетган Андрей Шевченкога муносиб ўринбосар қидиришаётган эди.

М.Шацких аввал бир ярим ой Москванинг “Спартак” жамоаси кўригида бўлган, лекин раҳбарият унга эътибор қаратмаганди. “Спартак”нинг азалий рақибби – “Динамо” (Киев) М.Шацкихни ўзига олмоқчилигини эшитган москваликлар ёш ҳужумчини таркибидан кўришни исташаётгани оммавий ахборот воситаларида ёритилган эди. Лекин М. Шацких “Динамо”га ўтди ва энг тўғри қарорга келди. У биринчи учрашувни Европа чемпионлар лигаси баҳсларида “Жальгирис” жамоасига қарши ўтказиб, иккита гол урган ва дунёнинг энг зўр мураббийларидан В. Лобановскийнинг мактовларига сазовор бўлган кам сонли футболчилардан бирига айланганди.

21 ёшлигидаёқ Шарқий Европанинг энг кучли жамоаларидан бири – “Динамо” таркибда ўйнай бошлаган ҳамюртимиз

2000-2001, 2003 йилларда Украина чемпионлиги, 2000, 2003 йилларда мамлакат кубогини қўлга киритди. Бундан ташқари, икки марта Украина чемпионати тўпурари бўлди.

М.Шацких учун 2000 йил анча омадли келганди. Биринчи даврада унчалик кўп гол киритолмаган ҳужумчи чемпионат-

ШАЦКИХ – ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТЎПУРАР

нинг иккинчи ярмида бир ўйинда икки-уч мартадан рақиблар дарвозасини ишғол қилиб, ўз



фаолияти мобайнида биринчи марта тўпурар бўлганди. Ушанда унинг доғруғи Европага ёйилган. Ҳатто хориж оммавий ахборот воситалари Франциянинг “Пари Сен Жермен” жамоаси ёш ҳужумчини 10 миллион АҚШ долларига сотиб олиш истагини билдирганини эълон қилганди. Лекин киевликлар ҳам М.Шацкихдек тўпурар ҳужумчига эҳтиёж сезгани учун уни сотмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, М.Шацких ҳеч қачон ўзибўларчилиққа интилмайди. У ўзи қулай вазиятда бўлишига қарамай жамоадошларига тўп узатишни қанда қилмайди. Унинг жамоадошлари Максимнинг мана шу одатини яхши кўради. Мисол учун ўтган чемпионатда Шацкихнинг аниқ тўп узатишларидан сўнг динамочилар 12 марта гол киритишган. Бу натижа жамоа плеймэкерки Белькевичикидан ҳам кўпроқ экан.

Ўзбекистон терма жамоаси ҳужумчиси Европа чемпионлар лигасининг 2002-2003 йилги мавсумларида ҳам жуда ишончли тўп сурди. Гарчи унинг жамоаси юксак натижаларни қайд

этмаган бўлса-да, ҳамюртимиз томонидан киритилган ажойиб голлар футбол мухлисларига завқ бағишлаганди. Яна бир эътиборли томони шундаки, Максимнинг чемпионлар лигасида Анг-

лиянинг “Ньюкасл” жамоасига киритган тўпи ўтган мавсумнинг энг чиройли голи деб эътироф этилди. Ўшанда инглизлар мураббийи Бобби Робсон Шацкихнинг зарбасини “wonderful strike”, яъни ажойиб зарба деб мақтаганди.

Хорижлик журналистлар М.Шацкихдан “Россия ёки Украина терма жамоасига ўйнолмаслигиндан афсусланмайсанми?”, – деб кўп сўрашади.

– Мен бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганман, – деб жавоб беради Максим уларга. – Ўзбекистонда туғилдим ва шу ерда футболчи бўлиб тарбияландим. Тошкентда ўйнаган пайтимда Россия ўсмирлар терма жамоасига таклиф қилишганда борманман. Мен фақат Ўзбекистон терма жамоаси учун ўйнайман.

Бу йил Ўзбекистон терма жамоаси олдида масъулиятли – Осиё чемпионатининг саралаш учрашувлари турибди. Ушбу ўйинларда М.Шацкихнинг маҳорати, тажрибаси ва голлари терма жамоамиз учун аҳамиятли бўлади. Ҳозиргача Максим терма жамоамиз либосида 14 та ўйинда майдонга тушиб, рақиблар дарвозасига тўққизта тўп киритган.

Боҳир БЕК.

20-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. “Пахтакор”	19	17	2	0	66-16	53
2. “Нефтчи”	20	17	0	3	56-23	51
3. “Қизилқум”	20	13	3	4	44-19	42
4. “Навбахор”	20	11	5	4	38-19	38
5. “Насаф”	20	11	2	7	39-30	35
6. “Машъал”	20	9	4	7	33-22	31
7. “Дўстлик”	20	8	3	9	29-35	27
8. “Сурхон”	19	7	4	8	21-34	25
9. “Андижон”	20	6	5	9	24-27	23
10. “Бухоро”	20	7	2	11	33-37	23
11. “Самарқанд-Д”	20	7	1	12	25-34	22
12. “Цементчи”	20	5	6	9	28-40	21
13. “Металлург”	20	4	4	12	21-36	16
14. “Трактор”	20	4	4	12	26-49	16
15. “Кўкон-1912”	20	5	0	15	24-48	15
16. “Гулистон”	20	4	3	13	15-45	15

Хизмат фидойилари

ЧИНАКАМ БЎСТОН БЎЛАДИ

Қорақалпоғистоннинг жанубий сарҳадларида бунёд этилган Бўстон шаҳри чорак аср давомида гуллаб-яшнади. Бугун бўстонликлар шаҳарнинг хушманзара жойларию дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришар экан, ўз иқболлари, юрт истиқболдан қувонишади. Халқнинг осойишталик посбонлари билан ҳамкорлиги бу ерда кўплаб кўнгилочар тadbирлар ўтказилишига замин яратмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон, Қорқалпоғистон, Туркменистон, ва Татаристон Республикалари халқ артисти

Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган 3-кўрик-танлов бунинг ёрқин мисолидир. Дастилаб танлов

да фақат ёш ҳофизлар қатнашган бўлса, кейинчалик шоирлар, бу йил эса мусаввирлар ҳам иштирок этишди. Уч кун давомида бўстонликлар мумтоз кўшиқлар тинглашиб, шеърият чашмалари нафис санъат дурдоналаридан завқ олишди. Ходимларимиз эса тadbирнинг тинч-осуда ўтишини, томошабинларнинг хавфсизлигини таъминлашди. Осойишталик йўли-

да олиб бораётган ишларимизга назар ташласангиз, хизматимиз бесамар кетмаётганига гувоҳ бўласиз.

2002 йили туманда учта қотиллик қайд этилган бўлса, бу йилнинг ўтган даврида бундай жиноят юз бермади.

Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларга қарши мурасасиз кураш олиб бораётганимиз натижасида ўтган йили 2 та ҳолат аниқланган бўлса жорий йилда бу кўрсаткич 5 тага етди.

Ноқонуний сақланаётган 11 та ов милтиги аниқланиб, айбдорларга тегишли чоралар кўрилди. Профилактика инспектори, милиция капитани Ислон Атажанов милиция майори Собир Асанов, милиция старшинаси Атахон Юсуповлар бир неча турдаги жиноятларни шахсан ўзлари очилди.

Биз ҳамиша халқ кўмаги, фахрийларимиз тажрибасига таянамиз. Мақсадимиз ҳамфикр, ҳамкорликда юрт осойишталигини таъминлашдир. Бўстон шаҳри чинакам жаннатмакон бўстонга айланиши шубҳасиз.

С. ҚАРАШЕВ,
милиция полковниги.

ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

Ўз умрининг қарийб ярмини эл-юрт осойишталиги муҳофазасига бағишлаган истеъфодаги милиция старшинаси Ҳалил ака Ўроқов 1994 йилда нафақага чиқди. У тўққиз фарзанди халққа ўзи каби ҳалол хизмат қилишини доимо орзу қиларди.



Унинг орзуси ушалди. Ушбу оиланинг тўртинчи фарзанди Файрат отаси нафақага чиққандан сўнг ички ишлар идорасига хизматга қабул қилинди. Ишни оддий милиционерликдан бошлаб вақт ўтиши билан Булунғур туман ИИБ раҳбариятининг эътиборини қозонди. Ҳозирда милиция лейтенанти Ф. Ўроқов туман ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлинмаси марказлаштирилган кўриқлаш пулти бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

— У зиммасига юклатилган вазифага ҳамиша масъулият билан ёндошади, дейди бўлинма бошлиғи, милиция подполковниги Мирзақайом ака Яхшибоев. — Қўл остидаги милиционерлардан ўз билимини аямайди. Берилган ҳар бир топшириқ ўз муддатида, тўлатқис ижро этилади. Лейтенант Ф. Ўроқов ўз вазифасида фаолият кўрсата бошлаган вақтдан буён МҚПга

уланган иншоотлар ва хонадонларда бирорта ҳам жиноят содир этилмади.


Жорий йилнинг ўтган даврида туман ИИБ ва МҚП ходимлари ҳамкорликда турли хилдаги саккизта жиноятни фош этдилар. Ушбу жиноятларни содир этган айбдор шахслар ушланиб ҳибсга олинди.

Файрат меҳнаткаш оилادا вояга етганлиги сабаблими, жуда камтарин, ориятли ва заҳматкаш йигит. У отаси Ҳалил акадан эгаллаган фазилатларни фарзандларига бахш этмоқда. Ўроқовлар оиласи истикомат қиладиган Муғол қишлоғи аҳли ушбу хонадон ҳақида илиқ фикрлар билдиришади.

Милиция ходимлари орасида исми жисмига монанд Файрат сингари касбдошларимиз сафи тобора ортишига тилақдошимиз.

А. ФУЛОМОВ,
милиция майори.

Суратда: милиция лейтенанти Ф. Ўроқов.



Суратда: профилактика катта инспектори, милиция майори Рўзбой Курбонов, (ўртада) истеъфодаги милиция майори Бозорбой Атажанов (чапда) ва Ибн Сино маҳалласи фаоли Аҳмад ота Абдуллаевлар билан ўзаро фикр алмашмоқда.

О. ОТАЖАНОВ олган сурат.

«ИШНИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАДИМ»

Шермат аканинг Навоий тумани ИИБга бошлиқ этиб тайинлангани бежиз эмас. У илгари Навбахор тумани ички ишлар бўлими раҳбари сифатида анчагина тажриба орттирган. Навоий тумани юки оғир ҳудудлардан. Бу ерда турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Аҳолисининг аксарият қисми шаҳарга қатнаб ишлайди.

— Дастилаб иш бошлаган кўп тумандаги вазият, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан қизиқдим, — дейди у киши. — Мавжуд милиция таянч пунктларини бориб кўрдим, профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигини сўраб-суриштирдим. Президентимиз айтганларидек, милиция ходими халқ ичида, маҳалланинг одами бўлиши керак. Шунда жиноятнинг илдизига болта уришимиз осон кечади.

Сир эмаски, кўпинча иқтисодий ночорлик ҳам жиноятга сабаб бўлади. Яқинда 13-15 ёшлардаги икки бола уйдан қочиб кетган. Маълум бўлишича, ҳар иккаласи ҳам ночор оиланинг фарзандлари экан.

— Мактабга жуда юпун кийиниб келишарди, — дейди ўқитувчиларидан бири улар ҳақида гапириб. — Ўқув қурол-

лари, дарсликлари йўқ эди. Болалардан бири икки йилдан бери фақат битта кийимда юрарди.

Ўқитувчиларининг боши эгик, ота-она гўсага ботган. Суриштирувлардан маълум бўлдики улар мустақил пул ишлаб топиш, ночорликдан қутулиш умидида уйлари тарк этишган. Болалар икки ой деганда Жиззахдан топиб келинди. Ҳозирги вақтда улар ички ишлар ходимлари томонидан профилактик ҳисобга олинган. Педагог тарбиячи бириктирилган. Шу ўринда бир мулоҳаза тугилади: болани ўз уйдан қочиб кетишида аввало оиладаги муҳит — тарбия сабаб деймиз. Бундай оилаларга кўни, кўшни қариндош-уруғлар ёрдам берса бўлади-ку.

Шермат аканинг куюнчаллик билан айтган сўзларини

тинглар эканман, тахминан бундан уч ойлар муқаддам вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш ҳаёлимда жонланди. Ушанда Навоий тумани ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси фаолияти қониқарсиз деб топилган эди.

— Айни пайтда туман ҳокимлиги масъул ходимлари идора ва муассасалар раҳбарлари тарбияси оғир, жиноят содир этишга мойил, профилактик ҳисобда турган болаларни ўз назоратига олган, — дейди Ш. Асадов. — Ҳар бир раҳбар ҳодим ойда икки марта ўз назоратидаги бола билан суҳбат ўтказиб, унинг юриш-туриши, ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб туради. Агар эзгу мақсад билан бошланган бу тadbир астойдил давом эттирилса тез кунда ижобий натижа бериши шубҳасиз.

Билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган ўсмирни тўғри йўлга солишдан-да савобли иш бўлмаса керак...

Ш. Асадов милицияда суяги қотган, тажрибали ходим.

— Жиноятчини қалб кўзи билан кўраман, — дейди у киши босиқлик билан. — Ички сезгиларим ҳали панд бермаган.

Бу воқеага кўп вақт бўлгани

йўқ. Эрталаб хизмат машинасида ишга отланган Шермат ака одатига кўра йўл-йўлакай кундалик ишларини режалаштириб бораркан, эътиборини олдинда ҳаракатланаётган автомашина тортди. Тўқ яшил рангли “Тико” йўлнинг гоҳ у, гоҳ бу ёнида асов отдек олиб борарди. “Ҳайдовчи эрталабдан ичиб олган, шекилли” деган гумон билан уни тўхтатишга уринди. Қаёқда, милиция ходимининг “Тўхташ” ҳақидаги ишорасини кўрган ҳайдовчи аксинча тезликни оширди. Қувиб бориб, бир амаллаб тўхтатишди. Шу пайт рация орқали автомашина олиб қочилганлигини хабар қилишди. Шубҳалари бежиз эмас экан. “Тико” ишқибози бўлган 11-синф ўқувчиси қўлга олинди. Автомашина эгасига қайтарилди.

Ш. Асадов хизмат фаолияти давомида жиноят қилиб қўйиб, сўнгра пушаймонлик ўтида қоврилган, кеч бўлса-да кўзи очилган кишиларни кўп кўрди. Аммо ёши бир жойга борган бўлса ҳам, ҳамон ёмон иллатлардан қутула олмаётган, қайта-қайта жиноят содир этиб, ўз ҳаётини абгор қилган кимсаларни ҳам учратди.

Жаҳонгир исмли шахс жиноят содир этиб, 10 йил муд-

датга озодликдан маҳрум қилинган эди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия тўғрисидаги Фармони қўлланиб, жазо муддати қисқартирилди ва Қарши тумани судининг ажримига кўра ахлоқ тузатиш иши билан алмаштирилди. Бироқ у ўзига берилган бу енгилликдан тегишли хулоса чиқармади. Суррункали спиртли ичимлик истеъмол қилишни давом эттирарди. Бир неча марта профилактик суҳбат ўтказилиб тунунтириш ишлари олиб борилса-да, ижобий томонга ўзгармади. Оқибатда у жазонинг қолган қисмини панжара ортида ўтказишига тўғри келди. Фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, спиртли ичимликка ружу қўйиб, суд томонидан тайинланган жазони ўташдан қасддан бош тортиб келаётган яна икки шахсга нисбатан ҳам худди шундай чора кўрилди.

Суҳбатимиз давомида Шермат ака ўз олдига қўйган мақсад ва режалари, жумладан туман милицияси олдида турган келгуси вазифалар ҳақида гапирди.

Ҳа, эзгу мақсад, вазифалар аниқ. Эл тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек яхши ният, юсак мақсадлар билан хизмат қилаётган туман милицияси ходимларининг келгуси ишларига муваффақиятлар тилаб ортимга қайтдим. Зеро, бугунги сайъ-ҳаракатлар шундан далолат бермоқда.

Н. РАҲИМОВА.

Тезкор ходим Соиб Жамолов қилиниши зарур бўлган ишларни режалаштираётганда телефон жиринглади. Гушақдан котибанинг жарангдор овози эшитилди:

– Соиб ака, сизни Валижон Алиевич йўқлаптилар.

Валижон Алиевич – Бош бошқарма бошлигининг биринчи муовини. Ҳаётнинг анча оғир-енглини кўрган полковник, тезкор ишларга бош-қош.

– Келинг Соибжон, – деди у одатига кўра тезкор ходимни илиқ қарши олар экан. – Хонадонлар тинчми, келин яхшимилар?

– Раҳмат, ўртоқ полковник, ҳаммаси жойида.

– Сизни бир масала бўйича чақиртирган эдим, – полковник жиддийлашиб, стол устидаги қоғозни олди. – Мана бу ариза билан танишиб чиқсангиз. Уни шаҳардаги “Баёт” хусусий тижорат фирмасининг бошлиғи Асатов ёзган. Бир ойча олдин хонадондан пул ва тилла тақинчоқлар ўғирланган. Туман милицияси ўғирни топа олмапти, деб арз қилибди. Шу бугуноқ суриштирув ишларини олиб бораётган тезкор ходим билан учрашиб, жиноятни очишга кўмаклашсангиз.

– Хўп бўлади, ўртоқ бошлик. Кетишга рухсат этинг.

– Бораверинг.

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи қирра бурун, озгиндан келган ёш йигит – катта лейтенант Олимжон Содиковни хузурига чақириб, Соиб билан таништирди. Сўнг вазиятни тушунтиргач, жиноятнинг тафсилотлари, иқир-чиқирларини ўзларингиз гаплашиб оларсизлар, деб уларга рухсат берди.

– Мен сиз ҳақингизда кўп эшитганман, – деди Олимжон ҳамкасбини хонага бошлар экан. – Бир кўришиб, суҳбатингизни олиш ниятида эдим. Буни қаранг, сизни худонинг ўзи етказди.

– Бир пайтлар ишни шу туманда бошлаганман, – деди Соиб стуллардан бирига ўтирар экан. – Икки йил машина ҳайдадим. Милиция олий мактабига сиртдан ўқишга киргач, патруль-пост хизматига ўтказишди. Кейин участка нозири бўлдим, бора-бора из қулашга қиришдим. Шунга ҳам йиғирма йилдан ошибди... Келинг, иш юзасидан гаплашайлик.

– Яхши.

Олимжон стол тортмасини очиб, йиғма жилдлардан бирини олди.

– Ариза ёзган киши – Эркин Асатов шаҳардаги йирик хусусий тижорат фирмаларидан бирининг раҳбари. Топиш-тутиши яхши. Хотини, ўғли, келини ва бир набираси билан яшайди. Хонадонда ўғирлик содир бўлганини хотини – Холпошхон опа билиб қолган. Тўйга бормоқчи бўлиб тилла тақинчоқлар сақланадиган кутини очса сакизта тилла буюмдан бирортаси йўқ. Шундан кейин оила аъзолари бошқа нарсаларни ҳам кўздан кечиришади. Тахмондаги кўрпалар орасига яшириб қўйилган ўн икки минг АҚШ долларлари ҳам ғойиб бўлганини билдилар.

– Қандай тахминлар бор?

– Менда иккита тахмин бор. Биринчиси – ўғри шу хонадон эгаларидан бири. Иккинчиси – кимдир уйга калит танлаш йўли билан кирган. Агар кейинги тахмин тўғри бўлса ўғри пул ва тилла буюмлар турадиган жойни аниқ билган. Ҳеч ким йўқлигида уйга киргану, бир зумда керакли нарсаларни шипириб чиқиб кетган. Хонадонда қимматбаҳо буюмлар – рангли телевизор, “видеоиккилик”, видеокамера бўлган. Аммо уларга тегмаган.

– Асатовнинг хотини, ўғли ва келини билан гаплашдингизми?

– Бўлмасам-чи, – Олимжон тортмадан ширинлик солинган ликопча олиб Жамолов томонга сурди. – Асатовнинг хотини замона-

вий аёллардан эканлиги кўриниб турибди. Бежирим либослар, зебзийнатга ўч. Ўғил шаҳар шифохонасида кўзга кўринган жарроҳ. Келин эса ўқитувчи. Келиннинг оиласини суриштирдим, ота-онаси обрўли одамлар. Шунча пул ва тилла буюмларни олиши мумкин эмас. У “тахмонда пул борлигини ҳатто билмаганман”, деди. Сўзлари самимий, ишонса бўлади.

– Бола неча ёшда экан, тагин бирорта муттаҳам уни йўлга солаётган бўлмасин, – деди Жамолов.

– У энди боғчага борапти. Ҳар куни отаси машинада олиб бориб, келтириб қўяди. Ёлғиз қолмайди, доим катталар назоратида.

– Ҳм-м... – Соиб хаёлга толиб, ликопчадаги ширинликлардан бирини оғзига солди. Бироз шимиб тургач тамшаниб яна Олимжонга юзланди:

– Ўғирланган тилла тақинчоқлар ҳақида маълумот борми?

– Бор. Иккита билагузук, учта узук, битта занжир ва иккита зи-

– Холпошхон опа яқиндаям уйда эдилар. Эҳтимол дўконга кетгандирлар.

Жамолов аёлга миннатдорчилик билдириб, уй бекасини ташқарида кутиб туришга аҳд қилди. Зинадан пастга тушаётган эди бир кўлида елим халта, иккинчисидо иккита патир кўтариб олган аёлга дуч келди. Унинг эгнидаги велюр халат тирсиллаб, ўзини кўз-кўз қилаётган қоматиға ярашган, қалдирғоч қанот қошларини турмакланган сочи латофатли чехрасига сайқал бериб турарди. “Ёши ўтиб қолган бўлсам лобар аёл экан, – хаёлидан ўтказди Соиб. – Балки Холпошхон опа шу кишидир”. Аёл ўзига қараб турган кишидан шубҳаланганча эшикни оча бошлади.

– Келиноий узр, сиз Холпошхон опа бўласизми? – ортига қайтиб сўради Соиб.

– Ҳа, менман, – аёлнинг қошлари чимирилиб, иккита кичик камалак шаклига кирди.

– Шаҳар ички ишлар Бош бошқармасидан милиция подполков-

– Танишларингиздан бирортаси доллар ва тақинчоқлар қаерда сақланишини биларми? Эслаб кўринг, бу жуда муҳим. Эҳтимол бирор жойда, айтйлик тўйдами, дугоналарингиз даврасидами эҳтиётсизлик қилиб айтиб қўйгандирсиз.

Аёл анча хаёл суриб турди-да, умидсиз бош чайқади.

– Майли бўлмаса, – Соиб ўрнидан туриб ён дафтарчасидан бир варағини йиртиб олиб телефон рақамини ёзди ҳамда ҳамон хаёл оғушидаги уй бекасига узатди.

– Мабодо ёдингизга тушса сим қоқарсиз.

Ўғрилар дунёси қизиқ-да. Инсон бир кўли эгриликка ўргандими тамом, бу йўлдан қайтиши осон эмас. Кимниқига бормасин – у хоҳ беғонами, яқиними кўзлари олазарак бўлиб бирорта буюмни ўмарини йўлаб туради. Соиб йиллар давомида турли тоифадаги ўғриларни фош этишга муваффақ бўлди. Хавфли, ҳатто одам ўлдиришдан тоймайдиганларидан

Саъдулла ШОДИЕВ



Детектив ҳикоя

рак. Ҳаммаси тилладан, қимматбаҳо буюмлар.

– Валюталарчи, уларнинг рақамлари, купюралари ёзиб қўйилмаган эканми?

– Мана, йиғирматасининг рақами қайд этилган, – Олимжон йиғма жилддан бир варақ қораланган қоғозни олиб унга узатди. – Купюраларнинг ҳаммаси юзталиқ бўлган.


– Яхши. Бу далил асқотиши мумкин. Энди бундай қиламиз, ука. Тахминларингизга қўшиламан. Иккимиз икки йўналиш бўйича иш олиб борсак. Мен Асатовнинг оиласини атрофлича ўрганаман.

Сиз эса ўғирлик қилиб судланганларни кузатинг, улардан бирортаси маишатбозлик қилмаяптими-кан. Бозорда тилла буюмлар сотаётган кишиларни ҳам эътибордан қочирманг. Ўғри бугун бўлмаса эртага бирорта буюмни олиб чиқиб сотиши ёки гаровга қўйиши мумкин. Валюта алмаштириш шохобчасига ўғирланган купюралар рўйхатини бериб қўйиш керак. Келишдикми?

– Келишдик.

Асатовнинг хонадони Қорасув даҳасидаги кўп қаватли уйларнинг бирида жойлашган эди. Жамолов учинчи қаватга кўтарилиб, “7” рақами ёзилган эшик олдида тўхтади ва кўнгирок тугмасини босди. Ичкаридан жавоб бўлмади. Соиб бироз кутиб тургач 8-хона тугмасини босди. Ичкаридан итнинг во-виллаган овози эшитилди. Кейин “Кто там?” деди аёл киши. “Где соседка Асатова, не знаете?” сўради Жамолов. “Не знаю и знать не хочу” – деди ичкаридаги овоз. Кўшники шундай бўлгач ўғри хонадондаги бор буюмларни ўмариб кетса ҳам биров билмайди-да, хаёлидан ўтказди тезкор ходим. У бироз иккинчи тургач бошқа кўшни эшигининг тугмасини босди. Эшикни қиялатиб ёш жувон очди, аммо занжирни туширмади.

– Кечирасиз синглим, рўпарадаги кўшни керак эди, – деди Жамолов. – Бирон жойга кетганмилар?



тортиб, ичкиликка муккасидан кетган, бир стакан вино учун уйдан турли-туман рўзғор буюмларини яширинча олиб чиқиб, бозорда пуллайдиган кимсаларга юзма-юз бўлди.

Аммо у дуч келиб турган ҳолат булардан бирортасига ўхшамайди. Хонадон соҳиби ва ўғлининг топиш-тутиши жойида, оила аъзолари асосан зиёли одамлар. Холпошхон опа тилла тақинчоқларни сўнгги бор кўрган пайтдан то ўғирлик содир бўлгунча хонадонга шубҳали кишилар келмаган. Уйга ўғри киргани ҳақида бирорта далил ёки излар йўқ. Аммо катта миқдордаги пул ва тилла тақинчоқлар ўғирлангани – далил. Эҳтимол улар умуман бўлмагандир. Аммо бундай тахмин инкор этилади. Чунки Асатовлар бирор кишига айб қўйишаётгани йўқ. Хўш, унда пуллар ва тилла тақинчоқлар қани? Уларни кимдир олган-ку?

Шу пайт кўча эшик кўнғирогининг кетма-кет жиринглаши оромкурсида ўзи билан ўзи олишиб ўтирган Соибнинг хаёлларини тўзғитиб юборди. Бориб эшикни очган эди остонада жилмайиб турган хотинини кўрди.

– Ёпирай, очилиб кетибсанми, онаси, – Соиб эшилиб хотинига бошдан-оёқ разм солди. – Сенда қандайдир ўзгариш бўлгану мен тополмаяман.

– Шунақасиз-да, ишда хушёрсиз, аммо остона ҳатлаб уйга киришингиз билан сергакликни йўқотасиз. Майли, сизни қўйямай ўзим айтиб қўя қолай. Соч турмагим қалай?

– Жуда зўр, ярашибди, – Соиб йўқотган нарсасини топгандек қувониб, хотинининг елкасидан қучди. – Доим шунақа сулув бўлиб юр.

– Хўп бўлади, ўртоқ начальний, – Соижда ҳазиломуз ростланди. – Буйругингиз бажарилади. Кейин қошларини чимириб сўради: – Айтганча, ўзингиз нега эрта қайтингиз? Ёки бодингиз хуруж қилиб қолдимми?

– Э, йўқ... – Соиб ҳафсаласизлик билан оромкурсига чўқди. Шаҳардаги “Баёт” фирмаси директорининг хонадонидан катта миқ-

дорда пул ва тилла тақинчоқлар йўқолган. Туман милициясига ўғриларни топишга кўмаклашаяман.

– Хабарим бор, – деди Соижда.

– Сен бунга қаяқдан биласан?

– Ҳайрон бўлиб сўради Соиб.

– Асатовнинг хотини Холпошхон опа айтиб берган.

– Сен уни танийсанми?

– “Мулки зийнат” гўзаллик марказида танишиб қолганмиз. Марказ директори Замирахон курсдошим, биз яқин дугонамиз. Баъзан унинг олдида кириб тураман. Ишни бошлаб ташкил қилади. Усталирининг барчаси қўли гул аёллар. Шу боис мижозлари асосан бадавлат хонадонлардан. Холпошхон опа ҳам сочини шу ерда турмаклатади.

– Худди сениқига ўхшатиб-а?

– Ҳа, худди мениқига ўхшатиб.

– Холпошхон опанинг фельт-авори қанақа? – сўради Соиб.

– Оббо, дарров суриштирув бошландими? – Соижда ноз аралаш лабини буриб, пешонасини тириштирди.

– Жиддий сўраяпман, бу иш учун керак Соиж.

– Нима десам экан. Анча сатанг, мақтанчоқ аёл. Қўли очик... Хўп, бўлмаса мен овқатга уннай, ҳадемай Равшан ва Зулхуморлар ишдан қайтишади.

Соижда шундай дея кийимларини алмаштириш учун кўшни хонага кириб кетди. Соиб эса яна хаёлга берилди. “Сатанг ва мактончоқ. Айнан шу жиҳатларидан кимдир фойдаланган бўлиши мумкин”.

Олимжон ички ишлар бўлимида Соибни хомуш қарши олди. Саломлашгач қоғоғини уйганча йиғма жилдни варақлай бошлади.

– Нима бўлди Олимжон, – сўради Соиб хавотирланиб. – хонадондагилар тинчми?

– Эътибор берманг, Соиб ака, – деди Олимжон ҳижолатомуз. – Табиатим шунақа, ишим юришмас қоғоғим осилиб кетади.

– Очиқроқ гапирсангиз-чи.

– Кеча куни билан пичоққа илинадиган далил топа олмадим. Бошлик муовини роса “тузлади”. Ношудлик қилаяпман, шекилли.

– Бўлмаган гап, – уни тинчлантиришга уринди Соиб. – Бизнинг соҳада тушқунликка тушиш ярамайди. Тезкор ходим қатъиятли, вазиятга баҳо берадиган, тахминларни ўртага ташлаб, ечимини топа оладиган бўлиши зарур. Акс ҳолда...

– Тушунарли, – Соибнинг сўзини бўлди тезкор ходим, – акс ҳолда бошлиқлардан гап эшитиб юраверасиз, демокчисиз-да.

– Топдингиз. Қани, энди ишни бошлаймизми? – Соиб ҳамкасбига синовчан тикилди.

– Ҳайронман... – Олимжон пича ўйлаб тургач бир нарса ёдига тушди шекилли бирдан жонланди: – Биласизми Соиб ака, кеча шаҳардаги туманлардан бирида тезкор ходим бўлиб ишловчи дўстим билан гаплашиб қолдим. Юридик институтни бирга тугатганмиз. Унга ҳам худди мениқига ўхшаш “иш”ни топширишди.

– Ўғирликми? – сўради Соиб.

– Ҳа, ўғирлик. Аммо қайсидир томонлари мениқига ўхшаб кетади. Бозор директорининг уйдан олти минг АҚШ долларлари, бир канча тилла тақинчоқлар ўғирланган. Оила аъзолари олмаган, эшик қулфи, деразаларнинг ойнаси жойида. Дўстимнинг боши қотиб, менга сим қоққан экан.

– Бир “дастхат” ли бу икки ўғирлик орасида боғлиқлик бормикан? – Соиб гўшакни олиб Олимжонга узатди. – Илтимос, дўстингиздан бозор директорининг уйи қайси манзилда жойлашганини билиб берсангиз. Бугунги ишни шу жойга боришдан бошлайман.

(Давоми бор.)

Қилмиш-қидирмиш

НАҒМАСИ ҶТМАДИ

“Кока-кола ичимлиги Ўзбекистон ЛТД” қўшма корхонаси Наманган бўлимининг нафақат водий, балки республикада донғи кетган. Бу ерда ишлаб чиқарилган салқин ичимликлар сифат жиҳатдан хорижникидан қолишмайди, жаҳон талабига мос.

Кўпчилик Наманган шаҳрида жойлашган ана шундай нуфузли корхонада талон-торожлик бўлганига ишонмаса керак. Чунки ташқаридан қараганда

тартиб-интизом қаттиқ. Аслида ҳам шундай. Лекин... Масаланинг нозик жиҳати Аҳрор Мавляновга бориб тақалади. 1998 йил август ойидан “Кока-кола ичимлиги Ўзбекистон ЛТД” қўшма корхонаси Наманган бўлимида бош омборчи-супервайзер вазифасида ишлаб келган. 43 ёшли бу ким-

са ўз фаолияти давомида катта миқдорда талон-торожликка йўл қўйган. Корхонада ўтказилган тафтиш жараёнида А. Мавляновнинг жавобгарлигида бўлган 17.370 килограмм, 4.521.224 сўмлик шакар етишмаслиги аниқланди. Аммо у жиноятини яшириш мақсадида 2001 йил 25

декабрь ҳамда шу йил 27 июль куни “15 контейнердаги 14128 та қопда 706.400 килограмм шакар тўлиқ бўлган” деб сохта реестр тузади. 2002 йил 3 май куни эса “570 килограмм шакарни “каламуслар еб кетди”, дея такроран сохта далолатнома тайёрлайди. Бу билан ўзи ҳазм қилиб

юборган 17.370 килограмм шакарни “текисладим” деб ўйлаганди.

Аҳрор Мавлянов ўз наздида қисқа муддат ичида “туяни ютиб, думини кўрсатмаганди”. Шу боис ҳам у тафтишчиларга, ҳатто тергов давомида ўзини “қўй оғзидан чўп олмаган” йигитдек кўрсатмоқчи бўлди. Бироқ омборчининг нағмаси ўтмади. У суд томонидан қилмишига яраша жазоланди.

Т. КАРИМОВ.

Шунақаси ҳам бўлади

ҚАЛТИС «ҲЙИН»

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани ИИБ навбатчилик қисмига Жарариқ даҳасида жойлашган 40-уйда босқинчилик содир этилганлиги тўғрисида хабар келиб тушди. Воқеа жойида ҳозир бўлган тезкор-тергов гуруҳи ходимлари жабрланувчи берган кўрсатмалар асосида суриштирув ишларига киришдилар.

– Тунги соат икки яримлар чамаси эди. Қутилмаганда икки нотаниш шахс хонадонимизга бостириб кириб, менадан пул ҳамда машинанинг калитини беришимни талаб қилди, – дея ҳаяжонланиб ҳикоя қилди жабрланувчи. – Уларнинг талабига бўйсинмаган эдим, дўқ-пўписа қилиб, кўрқитишди, кейин талончилардан бири қўлидаги пичоқ билан жароҳат етказди. Шундан сўнг айтганларини бажармай, ҳолимга маймунлар йиғлашини таъкидлашди. Ўзга чорам қолмаганини тушуниб, тўшак тагидаги 300 минг сўм пул ва ҳамқишлоғим Эргаш акага тегишли “ВАЗ-2105” русумли автомобилнинг калитини тутқаздим.

Мазкур жиноятни зудлик билан очиш мақсадида туман ИИБ раҳбарияти томонидан шошилиш тадбир ишлаб чиқилди. Воқеа юз берган хонадонда жиноятга дахлдор бўлган ҳар бир ҳолат синчковлик билан кўздан кечирилди экан, бу каби вазиятларда қандай иш тутиш лозимлигини яхши билган милиция ходимларининг назарида ушбу жиноятнинг тафсилоти бирмунча ғалатирок кўринарди. Бундан ташқари, жабрланувчига ҳужум қилган шахсларнинг бирон жойда бармоқ ёки оёқ излари топилмади. Хонадондаги жиҳозлар ҳам батартиб турар, эътиборни ўзига жалб этувчи бирон бир ҳолат кўзга ташланмасди.

– Биз мазкур жиноий ҳаракатнинг ягона гувоҳи ва жабрланувчи, яъни Жасурдан воқеа тўғрисида яна аниқроқ гапириб беришни сўраган эдик, ҳамма нарса ойдинлашди, – дейди туман ИИБ терговчиси, милиция майори Элмурод Ёрмаматов.

Аслида воқеа бутунлай бошқача бўлган эди.

... Андижонлик Жасур исмли йигит ҳамқишлоғи Эргаш ака билан Тошкентга ишлаш учун келишади. Ўша куни Эргаш ака оиласидан хабар олгани қишлоғига кетади. Кечқурун Жасур зерикиб ҳамқишлоғининг машинасини кўчага ҳайдаб чиқади. Йўлда ЙПХ ходимлари унга тўхташ ишорасини қилишади. Аммо у инспекторларнинг талабини бажариш ўрнига тезликни оширади. Чунки ёнида ҳеч қандай ҳужжат бўлмади. Машинанинг ёқилғиси тугагач эса, ярим йўлда қолдириб, ўзи қочиб кетади. Уйига келгач, Эргаш акага нима деб тушунтиришга боши қотган Жасурнинг миясига антиқа фикр келади. Аввал тўшак тагидаги 300 минг сўм пулларни олиб, маҳалладаги янги қурилаётган уйлардан бирининг девори тагига беркитади. “Жигули”нинг калитини ҳам гумдон қилади. Кейин қўлга писка олади-да, тишини-тишига қўйиб, ўз танасининг қорин қисмини тилади. Шундан кейин хонадонига босқинчилар ҳужум қилганлиги тўғрисидаги уйдирмани ўйлаб топади.

Ички ишлар идорасига берилган ёлгон хабар туфайли ходимларнинг қимматли вақти беҳуда кетди. Транспорт-техника кучларидан фойдаланилди.

Суд-тиббий экспертизаси ходимлари олиб борган мукамал текшируви натижасида “жабрланувчи”нинг қорнидаги жароҳатни унинг ўзи етказган, деган хулоса чиқарилди.

Шундай қилиб қаҳрамонимиз мазкур “ўйин”нинг жиноят эканлиги, унинг оқибати ҳақида ўйлаб кўрмаганлиги учун қаттиқ пушаймон қилаётган бўлса ажабмас. Аммо гишт қолипдан кўчиб бўлган. Ҳар бир босилган қинғир қадам албатта қонун доирасида баҳоланади.

С. ХАЛИЛОВ.

Эшмуроднинг дангасалиги, тепса тебранмаслиги хотинининг жонига тегди. У икки боласини олдию, уйини ташлади кетди. Аммо Эшмурод буни парвойига келтирмади. Шу-шу айни кеч кузда дераза ойналари йўқ, эшиклари очилса ёпилмайдиган ҳайхотдек уйда сўппайиб қолаверди. У аввалига ақл ўргатиб, тинмай жаврайдиган хотинидан қутулганига хўрсанд бўлди. Унга аччиқ қилиб, бир-икки суюқоёқ аёлларни уйига бошлаб келди. Бироқ улар ҳам анойилардан эмас экан, сичқонлар ҳасса таяниб юрган, бўм-бўш уйни кўриб ҳафсалалари пир бўлди. Қишнинг узун кечаларида пахтаси титилиб кетган эски қуроқ кўрпаларда ётган Эшмурод пул топиш йўлларини қидирарди. Ниҳоят ўйлаган ишини бир ўзи бажара олмаслигига кўзи етиб, қайноғаси Сирожиддинни қидириб топди. Сирожиддин киракашлик қилиб, тирикчилик ўтказар, ҳар ҳолда турмушидан нолимасди. Бироқ Эшмуроднинг режаси уни қизиктириб қолди. Улар маслаҳатлашиб, бу ишга ҳеч қаерда ишламайдиган Шавкатни ҳам жалб қилишга келишишди. Шавкат Сирожиддин таърифлагандек, унча-мунча нарсани сўраб-суриштиравермайдиган, охирини ўйламай иш тутган йигит эди.

Улар Мирзаобод туманига йўл олишди. Шу ҳудудда яшовчи Собит (исмлар ўзгартирилган) маҳалланинг ҳожатини чиқарувчи, катта-кичикнинг илтимосини ерда қолдирмайдиган ҳожатбарор, сўяги меҳнатда қотган йигит эди. У нотаниш уч кишининг ниятидан беҳабар олинган юкни ўз тракторида манзилга етказиб қўйишга рози бўлди. Сирожиддин Собитнинг ёнига ўтирди. Трактор лой-балчиқ дала йўллардан юра кетди. Қоронғи тушиб қолган, қор бўралаб ёғиб турибди. Сирожиддин олдиндан мўлжаллаб қўйилган йўлни кўрсатиб бормоқда. Дала ишлари аллақачон тугаган, атроф кимсасиз.

ТРАКТОР ТАЛОНЧИЛАРИ

Йўлда икки киши кўринди.

– Буларни ола кетайлик, юкни ортшади, – деди Сирожиддин.


Содда тракторчи уловни тўхтатди. “Юк ортувчилар” тракторга яқинлашиши билан Эшмурод Собитни итариб юборди. Ерга йиқилган захоти Сирожиддин билан Шавкат унинг оёқ-қўлларини боғлай бошлашди. Бу шундай тез амалга оширилдики, Собит овоз чиқаришга ҳам улгурмади.

– Жим ётсанг, жонинг омон қолади. Фиринг дегансанг, ўласан, – оғохлантирди Эшмурод. Улар уни кўтариб йўлнинг чеккасига

Унинг жони узилганига ишонч ҳосил қилишгач, жасадни янада овлоқроқ жойга олиб бориб, иргитиб юборишди.

Эртаси куни трактор кўшни Тожикистонга сотиб юборилди. Эшмурод ваъдасининг устидан чиқди, пул “даромад” тенг тақсимланди. Лекин бебилиска пуллар тезда тамом бўлди. Масалан, Эшмурод топганини бир кунлик кўнгилхушлик учун сарфлаб юборди. Бир меҳнаткаш одамни қон қақшатиш эвазига келган бойлик ҳаром-ҳаришларга ишлатилди.

Совуқ кунда одамнинг



ирғитишди ва трактор томонга йўналишди. Бу пайтда Собит анча ўзига келиб, уларнинг мақсади тракторни ўғирлаш эканлигига ақли етганди. Оиласининг ягона боқувчисидан айрилиб қолаётганигами ёки кучлар олдида ожизлиги алам қилдики Собит жон ҳолатда бақирди:

– Сенларни милицияга бериб, қаматиб юбораман, аблаҳлар!

– Мен сенга жим ёт дегандим. Ётмадинг, энди ўзингдан кўр! – Шундай дея Эшмурод унинг бўйнига чилвир солди. Қолган икки шериги шуни кутиб тургандек ерда ётган Собитни уриб, тепа кетишди.

қорни ҳам тез-тез очади. Ётиб еганга тоғ чидамайди, деган гап бежиз айтилмаган. Эшмурод яна аввалги ҳолига тушди. Аслида у бу ишга бошқа қўл урмоқчи эмасди. Лекин...

У изғиринда ҳамтовоқларини излаб топди. Бу сафар улар Гулистон тумани мўлжалга олишди. Маълумки, қишда хўжалик ишчилари дам олишади. Иш бўлмагач, чўнтак ҳам ҳалигидай... Пул чиқадиган ҳар қандай ишга тайёр туришади. Эшмуродга қишлоқ одамларининг феъли маълум.

– Ука, бир тоннадан кўпроқ шолимиз бор эди – деди у йигитлардан бири-

га. – Шуни қўшни туманга элтиб берсангиз. Ҳожатимизни чиқарсангиз сизни рози қилардик.

Нархи келишилгач, улар айтилган вақтдан атайлаб кечроқ келишди. Мақсад, қоронғилик чўкишини кутиш эди. Рашид тракторини тариллатиб йўлга чикди. Эшмурод ҳар галгидек унга йўл кўрсатиб борарди. Бу ёғи аввалгисидек бир зумда кечди.

– Жим ётсанг, тегмаймиз. Қимирласанг ўзингдан кўр! – пўписа қилди Эшмурод.

Рашид молидан ҳам жони ширинлик қилдими, уларнинг айтганига кўниб тракторининг овози эшитилмай қолгунча жим ётди. Уларни бутунлай кетганлигига ишонч ҳосил қилгач, ўзини чилвирдан бўшатишга урина бошлади. Қишнинг аччиқ совуғига қарамай, то халос бўлгунча терлаб кетди. Сўнгра оёғини қўлга олиб туман ички ишлар бўлимига югурди.

Жиноят ҳақида хабар топган ходимлар ишга киришишди. Бироқ жабрланувчининг босқинчилар тўғрисида берган маълумоти етарли эмасди. Шунга қарамай, суриштирув ишлари бошланди. Босқинчиларнинг мақсади, тракторларни эгаллаб, уни қўшни республикаларга сотиш эканлиги уларни сергаклантирди. Трактор эгалари билан суҳбатлар ўтказилди. Излар моҳир изкуварларни Жиззах вилоятига етаклади.


Сирдарё вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ ходимлари-милиция подполковниклари Р.Қамолитдинов, А.Қаюмов, милиция майорлари Б.Ибрагимов, И.Суванов, милиция капитанлари Ш.Латипов, Б.Содиқов, Д.Хайтов, милиция лейтенанти Н.Нуруллаевларнинг биргаликда пухта олиб борган саъй-ҳаракатлари туфайли Собитнинг қотиллари қўлга олинди. Тергов натижасида талонларнинг фақат Сирдарё эмас, Жиззах вилояти туманларида ҳам талончилик ҳаракатлари орқали трактор ўғирлаб, сотиб юборишгани аниқланди.

М.ИБРОҲИМОВА.

Республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби раҳбарияти ва шахсий таркиби умумийлик кафедраси бошлиғи вазифасини бажарувчи, кимё фанлари номзоди, доцент, ички хизмат подполковниги **Жалол АРИПОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИБ Академияси раҳбарияти ва шахсий таркиби фалсафа кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори **Сергей Михайлович ХАН**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарма ходими, милиция майори Э. Йўлдошевга падари бузрукворни **ЭРГАШ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.



ҚАДИМИЙ ШАҲАРДА ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Шарқ тароналари" фестивали тўртинчи бор кўҳна Самарқанд заминиде бўлиб ўтди. Бир ҳафта давомида мусиқа байрами қатнашчилари бир-бирларининг маданиятлари, урф-одатлари ва анъаналари билан танишдилар. Фестиваль доирасида илмий-амалий анжуман, кўплаб кўргазмалар ўтказилди.

Халқаро мусиқа фестивали ғолиблари шаҳарнинг бош майдони — Регистонда эълон қилинди. Тува республикасининг (Россия) "Уранхай" миллий ансамбли Гран-при соҳи-

би деб топилди. Ўзбекистон ва Эрон вакиллари биринчи, Тожикистон ҳамда Озарбайжон санъаткорлари иккинчи, Афғонистон ва Бангладеш вакиллари эса учинчи мукофот билан тақдирландилар.

— Андижонда туғилганман, — дейди ҳамюртимиз, биринчи ўрин соҳибаси Дилнур Мирзақулова. — Пахтабод туманидаги мусиқа мактабиде ўқидим. Ҳозир Ганижон Тошматов номидаги дуторчилар

ансамблида ишлайман, айна пайтда Тошкент Давлат консерваториясида таҳсил оламан. Шу дамда шодлигимнинг чеки йўқ. Устозларимга, менга ёрдам берган барча инсонларга катта раҳмат.

"Уранхай" ансамбли раҳбари, Россияда хизмат кўрсатган артист Мангу-оол Ондарнинг таъкидлашича, бадиий жамоа бу мусиқа фестивалида илк бор иштирок этиши экан.

— Афсона ва эртақлар шаҳри Самарқандни, унинг меҳмондўст халқини ҳеч қачон унутмаймиз, — дейди у.

Ҳа, ҳақиқий санъат чегара билмайди. У ҳаммага олам-олам завқ-шавқ бағишлайди, халқлар ўртасида дўстлик, тинчлик элчиси бўлиб хизмат қилади.

Дилбар САЛОҲИДИНОВА.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ички ишлар идоралари фахрийси меҳрибон онажонимиз **Муҳтарам ая ХАТАМОВА**ни табаррук етмиш ёшга тўлишлари билан самимий муборакбод этамиз. Яна кўп йиллар бахтимизга саломат бўлиб, бизнинг камолимизни кўриб, давраимизни тўлдириб юришларини Яратгандан сўраймиз.

Эҳтиром ила фарзандлари, невра, чеваралари.

Навоий вилояти Кармана тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти **Зафар ЯРАШОВ**ни туғилган куни билан табриклаймиз. Қадрдонимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Турмуш ўртоғи Нигора, қизлари Юлдуз ва Маржона.



Бу — қизиқ

МАШҲУР "ИККИЧИ"ЛАР

Турли соҳаларда шухрат қозонган кишиларда ўзига хос камчиликлар ҳам бўлар экан. "Есть идея!" газетасида бу ҳақда қизиқ маълумотлар келтирилган.

Буюк сўз устаси Демосфен ва шоир Роберт Бернсинг нутқида нуқсон борлиги сезилиб турган. Пушкиннинг дахлатини мутлақо ўқиб бўлмасди. Дунёга танилган математиклардан бири Ж. Пуанкерсинг хотираси жуда суст эди. Эйнштейннинг ақлий қобилияти паст бўлгани туфайли мактабга қабул қилинмаган. Бетховен умри давомида қарра жадвалини ёд ололмаган.

Ш. САЪДИЕВ тайёрлади.

АНТИҚА ШИРИНЛИК

Турли тилдаги "Туғилган кунингиз билан!", "Байрамингиз билан" деган ёзув қандолат маҳсулоти — тортда учраши одатдаги ҳол. Аммо ширинликда қандайдир манзараларнинг акс эттирилишига дуч келганмисиз?

Саратов вилояти ички ишлар бошқармасида хизмат қилувчи хотин-қизларга байрам совғаси сифатида тақдим қилинган тортда милиция ходимлари ҳаётидан кўриниш тасвирланган эди. Тортнинг бирида милиция ходими постда турибди. Иккинчисида жиноятчи қўлга олинаётган пайт акс эттирилган. Саратовлик милиция ходимлари бир-бирдан кўринишлари билан фарқ қилувчи тортларни олиб, уни ейишга кўзлари қиймагандек, анча вақт томоша қилиб ўтирдилар. Кремлардан тайёрланган "милиционер"лар эса, ба-рибир истъмоқ қилишга "маҳкум" этилган эди.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Ўйтахтимиз жамоли



Сўраган эдингиз...

ФАРЗАНД ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ?

Яқин қариндошим анча йиллардан буён фарзанд кўрмайди. Ҳамма маслаҳатлашиб, унинг бола боқиб олишига келишдик. Фарзанд расмийлаштириш учун нима қилишимиз керак?

Б. ЖУМАНИЁЗОВ,
Урганч шаҳри.

Бу борадаги тартиб Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида кўрсатиб ўтилган. Чунинчи, болани фарзандликка олиш учун аввало ота-онасининг розилиги талаб этилади.

Ота-она боланинг муайян бир шахс (шахслар) томонидан фарзандликка олинишига розилик беришлари ёки фарзандликка беришга розилик билдириб, фарзандликка олувчиларни танлаш ихтиёрини васийлик ва ҳомийлик органига ҳавола қилишлари мумкин.

Ота-онанинг болани фарзандликка олинишига розилиги ёзма шаклда баён этилиши керак.

Фарзандликка олиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар ота-она ўз розилигини қайтариб олишга ҳақлидир.

Давлат болалар муассасаларининг тарбияси ва таъминотидаги болаларни фарзандликка олиш, агар уларнинг ота-онаси розилиги талаб

этилмайдиган бўлса, шу муассаса маъмуриятининг розилиги билан амалга оширилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фарзандликка олиш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин ўн кун ичида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида фарзандликка олинаётган боланинг туғилиши қайд этилган дафтарга зарур ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Фарзандликка олувчилар боланинг туғилиши қайд этилган дафтарга унинг ота-онаси деб ёзилиши керак.


Зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилади. Агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилиши мумкин.

Бўйига: 1. Йил даври. 3. А. Қаҳҳор асари. 4. Фалакиёт-шунос олим. 6. АҚШ-даги штат. 7. Асар жанри. 9. Жасур. 10. Муқаддас қадамжо. 11. Исм. 12. Гуноҳкор. 16. Африка давлати. 17. Ҳамма вақт, ҳаммаша. 18. Моддаларнинг кичик, майда бўлаги. 19. Хоразмлик шоир. 24. Жонивор. 25. Қизлар исми. 26. Полиэкини. 27. Тус. 31. Денгиз. 32. Теварак-атроф. 36. Маккор.

Энига: 2. Футбол жамоаси. 5. Ота. 7. Нозанин. 8. Билимдон. 13. ... Олимжон. 14. Лаззатли. 15. Эртақ қаҳрамони. 20. Футболда ҳимоя қилнади. 21. Транспорт тури. 22. Санъат тури. 23. Марварид. 24. Тўлик. 26. ... Абдураимов. 28. Бахт. 29. Акс эттирувчи. 30. ... чойнак. 33. Танадаги танқислик. 34. Мультфильм қаҳрамони. 35. Мақом. 37. Ҳарбий унвон.

А. ФАЙЗИЕВ тузди.

КРОССВОРД



ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ
Энига: 1. Тошкент. 2. Беруний. 3. Газли. 4. Жиззах. 5. Янгйер. 6. Термиз. 7. Қувасой. 8. Олмалик. 9. Боботўғ. 10. Шуманай. 11. Андижон. 12. Муборак. 13. Хўжайли. 14. Бухоро. 15. Чироқчи. 16. Фарғона. 17. Писком. 18. Навоий. 19. Ҳазгон. 20. Тинчлик. 21. Янгйўл. 22. Тўртқўл. 23. Пайариқ.

Доирачали хоналар бўйлаб:

ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ!

**ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.
**Murod
TILLAYEV**
Mas'ul kotib
**Rahmatilla
BERDIYEV**

Navbatchi
**Sadriddin
SHAMSIDDINOV**
Sahifalovchi
Zokir BOLTAYEV
Musahhah
Gavhar XOLIQOVA

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinbosari 139-75-69.
Kotibiyat 139-73-88.
muxbirlar bo'limi
139-77-23, 59-27-15.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.
«Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat
bankining Mirzo
Ulug'bek bo'limi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma G — 839. Hajmi — 4 bosma taboq,
Bosilish — ofset usulida. 46192 nusxada chop etildi.

• Ko'chirib bosishda
«Postda»dan olinganligini
ko'rsatish shart
• Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
• Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366
Gazeta haftaning payshanba
kunlari chiqadi.
Bosilishga topshirish vaqti — 20.00.
Bosilishga topshirildi — 20.00.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida
chop etildi.

Korxonalar manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.
1, 2, 3, 4, 5, 6.